



- * Қирқ биринчи йил олмаларини ташиган аёл
- * Темур Кўрагоний тушининг башорати тўғримида?
- * Насияга олинган тойдан чиққан можаролар
- * Қиролича кўйлаги эстагида қўрғошин бор экан



Туркистон

Элим деб, юртим деб, ёниб яшаш керак

1925 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 8 май Шанба. № 35 (14226)

МУШТАРАК МАҚСАДЛАР МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИККА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

7 май куни Болгария Президенти Петар Стоянов расмий ташриф билан Ўзбекистонга келди.

Шу куни шаҳар ташқарисидаги Дўрмон қароргоҳида Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов билан Болгария Президенти Петар Стояновнинг яқнама-яқна учрашуви бўлиб ўтди. Учрашувда халқаро ҳаётдаги долзарб воқеалар, икки мамлакат ўртасидаги муносабатларнинг бугунги аҳволи, ўзаро иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш учун амалга оширилиши зарур бўлган чора-тадбирлар ва бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Президентларнинг ўзаро мулоқоти ниҳоятда еттич, икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бошланди. Музокарада асосий эътибор икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш масаласига қаратилди.

— Ўзбекистон билан Болгария ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришдан ҳар икки томон ҳам бирдек манфаат кўради, — деди Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов. — Жаноб Петар Стояновнинг Болгария раҳбари сифатида Марказий Осиё мамлакатлари ичида биринчи бўлиб Ўзбекистонга расмий ташриф билан келгани ҳам бежиз эмас. Шу ўринда бир гапни айтишим керак — Ўзбекистон Болгария учун ҳамisha очкидир.

Икки давлат ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик ҳақида гапирганда, аввало, коммуникация ва транзит масаласига тўхталиш керак бўлади. Бу борада асосий дастур ТРАСЕКА лойиҳаси ҳисобланади. Шарқ ва Ғарбни бир-бирига тўташтирадиган мазкур транспорт йўлагини тўла қувватда ишга тушириш учун у ўтадиган мамлакатлар ўртасида ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш зарур бўлади. Негаки мазкур йўлак бу йўналишдаги барча давлатларга бирдек фойда келтиради. Хусусан, биз нафақат Болгария, балки Европа бозорига чиқишимиз учун ҳам Болгариянинг Варна шаҳри портларидан фойдаланишимиз мумкин. Болгария эса Ўзбекистон орқали нафақат Марказий Осиё, балки бутун Осиё бозорига чиқиши мумкин. Айни мавзуда гап кетганда шунини айтиш керакки, бугунги кунда Грузиянинг Потти порти билан Болгариянинг Варна порти ўртасида алоқа йўлга қўйилгани ТРАСЕКА лойиҳасини ҳаётга тадбиқ этишдаги муҳим ишлардан бири бўлди. Дарвоқе, ТРАСЕКА ҳақида гапирганда мамлакатимиз раҳбари Ислам Каримов ўтган йили Болгарияга расмий ташрифи чоғида айтган бир гапни эслаш ўринли. Ушанда давлатимиз раҳбари ТРАСЕКА коридори ҳаётда эмас, деган эди.

Президентимиз ТРАСЕКА лойиҳасини амалга оширишда бир муҳим масалага тўхталиб ўтди. Бу божхона ва солиқ йиғимлари билан боғлиқ. Агар мазкур йўналишдаги ҳар бир давлат ўз қондаларининг илгари сураверадиган бўлса, бу борада ҳеч қандай ривожланиш бўлмайди, деди жумладан Ислам Каримов. Шунинг учун бу йўналишда жойлашган мамлакатлар давлат раҳбарларининг учрашувини ўтказиб, божхона ва солиқ, шунингдек бошқа ҳисоб-китоблар бўйича тарифлар юзасидан бир тўхтамага келиб олиш зарурати юзага чиқаяпти.

Музокарада икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик мавжуд имконият даражасида кеч-

маётгани алоҳида таъкидлаб ўтилди. Биргина мисол, ўтган йили Ўзбекистон билан Болгария ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 13 миллион АҚШ долларини ташкил этган. Бу икки мамлакатнинг имкониятларини ҳисоб-китоб қилганда, кам кўрсаткичдир.

— Ўзаро ҳамкорликдан кўзлаган мақсадимиз битта — хоржий сармоянинг мамлакатларимизга оқиб келиши учун қулай шароит яратиш, — деди Болгария Президенти икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик ҳақида ўз фикрларини баён қилар экан. — Шунинг учун ўзаро саёй-ҳаракатларни бирлаштириш керак. Шунда бизга Шарққа, Ўзбекистон учун эса Ғарбга чиқиш осон кечади. Қолаверса, яратилажак транспорт йўлагига туфайли мамлакатларимизга кириб келадиган сармоя ҳам кўпаяди.

Музокарада ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш учун ушбу мақсадда ташкил этилган кўшма комиссия мажлисини ўтказиб, томонларни қизиқтирган масалаларни тўла-тўқис таҳлил этиш, ўзаро савдо-сотикда товарлар турини ошириш, ҳар икки мамлакат ҳудудидида фаолият кўрсатажак фирмалар учун кафолатларни кўпайтириш зарур экани таъкидланди.

Музокарада Болгария томони Марказий Осиёда биринчи бўлиб Тошкентда ўз элчихонасини очажани маълум қилди. Шунингдек, яқин келажакда Софийада Ўзбекистон элчихонасини ҳам очиш режалаштирилаётгани айтилди. Яна бир гапни айтиб ўтиш керакки, музокарада чоғида ўзбекистонлик болаларнинг Қора денгиз соҳилидаги дам олиш масканларига жўнатиш борасида муайян келишувга эришилгани ҳам муҳим иш бўлди.

Мулоқот чоғида шунингдек, икки мамлакат ўртасидаги маданий алоқаларни, илмий-техникавий ҳамкорликни ривожлантириш борасида ҳам сўз борди.

Музокарада ниҳоятда икки томонлама кўшма ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди. Ўзбекистон ва Болгария ҳукуматлари ўртасида белгиланган ҳудудлар ҳамда улардан ташқарида ўзаро ҳаво алоқасини йўлга қўйиш тўғрисида ҳамда жиноятчиликка қарши кураш бўйича ҳамкорлик тўғрисида битимлар имзоланди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси билан Болгария Республикаси ўртасида имзоланган дўстона муносабатлар ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома ратификациялангани ҳақида ёрликлар алмашиш тўғрисидаги протоколга ҳам имзо чекилди.

Шундан сўнг Президентлар оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашди. Учрашувда икки давлат ўртасида ҳар томонлама чоғида, шунингдек, делегациялар музокаралари давомида муҳокама этилган масалалар юзасидан яқдилликка эришилганини маълум қилди.

— Биз ўтган йили Болгариядаги учрашувлар давомида икки давлат ўртасида ҳар томонлама алоқаларни кенгайтириш бўйича муайян келишувларга эришгандик, — деди давлатимиз раҳбари. — Болгария Президентининг мазкур ташрифи мана шу ҳамкорликни ривожлантириш борасидаги Ўзбекистон-Болгария мулоқотининг узвий давомидир. Биз бугунги учрашувда икки давлат ўртасидаги савдо алоқаларидан кўнгилли-



миз тўлмаганини билдирдик. Имкониятларимиз бу рақамнинг бир неча бор кўп бўлишини таъминлаши мумкин эди.

Шунингдек, бугунги учрашувда Тошкент ва Болгариянинг Бургас шаҳри ўртасида самолёт қатновини йўлга қўйишга ҳам келишиб олдик, — дея давом этди Ислам Каримов. — Таъкилламоқчиманки, айни пайтда бу масала деярли ҳал бўлди. Мазкур ҳаво йўли халқларимиз ўртасидаги борди-келдини янада кучайтиради.

Болгария Президенти журналистларнинг саволларига жавоб қайтарар экан, Ўзбекистон ҳам, Болгария ҳам ўз минтақаларида мувозанатни сақлаб туривчи етакчи давлатлардан эканини таъкидлади.

— Собиқ иттифоқ тарқаб кетганидан сўнг биз ташқи бозорларимизнинг катта қисмини

йўқотдик, — деди у жумладан. — Шунинг учун бугунги кунда эски алоқаларни тиклаш биз учун муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Марказий Осиёдаги етакчи давлат сифатида анъанавий иқтисодий алоқаларни кучайтиришда бизга жуда муҳим ҳамкор бўлади. Ўзаро савдо-иқтисодий муносабатларимизни янада юқори погоналарга олиб чиқсак, бу борада катта муваффақиятларга эришишимиз шубҳасиздир.

Президентлар журналистларни қизиқтирган бошқа саволларга ҳам жавоб қайтардилар. Болгария Президенти Петар Стояновнинг Ўзбекистонга расмий ташрифи давом этмоқда.

Фарҳод АРЗИЕВ,
Анвар КАРИМОВ,
ЎЗА махсус мухбирлари



*Хотира майдонида кўзларимдан оқар ёш,
Хаёлимдан ўтади қанча-қанча қуролдош.*

*Бомбанинг тўзонидан тунда ой билинмасди,
Кундуз зулматда эди, кўринмай қолиб қуёш.*

*Дала қон, этиклар қон, ҳар ёқ беҳисоб мурда,
Тана типирчиларди думалаб кетганда бош.*

*Снаряд портлаганда, дуд димоққа урарди,
Бошга тушган мушкулга одам бераркан бардош.*

*Шуларни эслаганда нега кўёш оқмасин,
Ўзбек ёнида эди қозоқ, қирғиз-қариндош.*

*Уруш сабаб, оналар куйиб адо бўлдилар,
Келинлар бева қолди, тоқ ўтди кўп қаламқош.*

*Йил эмас, ҳафта сайин озаймоқда сафимиз,
Омонат юрганларга жуда зарур кўмакдош.*

*Погиронга меҳрибон қомил инсонлар, Тўра,
Лекин сира ачинмас шафқати йўқ, бағритош.*

Тўра ЖУМАН,
иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси,
2-гурӯҳ погирони

“ХАВАС”ЧИПАР КЎПАЯЁТИР

Бундан роппа-роса тўрт йил олдин мамлакатимизда “Хавас” турнири деган атама пайдо бўлган. Қизиғи шундаки, теннис бўйича ўтказилган мазкур мусобақада бевосита спорт билан шуғулланувчилар эмас, балки республикамиздаги вазирликлар, идора ва ташкилотлар, концерт ҳамда шунга ўхшаш йирик муассасаларнинг мансабдор шахслари иштирок этганди. Кўпчилик бу мусобақалар давомий бўлмаса керак деб ўйлаганди. Чунки, бизнинг раҳбарларимизда жисмоний машғулотларга вақт етарли эмас, қолаверса улар бу ўйинга унчалик кўниқмаган. Адашган эканмиз, бу турнир қисқа вақт — тўрт йил ичида ўз мавқеига эга бўлди. Айтганча, бу йилги мусобақада ҳам деярли ўзгаришлар йўқ. Фақат унинг сафи кенгайган, унда иштирок этувчиларнинг тажрибаси ортган. Шунингдек, унинг сафида аёлларимиз иштирокини Вазирлар Маҳкамасининг ахборот-таҳлил бўлими бошлиғи Галина Исаева бошлаб берди. Мазкур мусобақада ҳам вазирлик, идора концерт ва ташкилотлар вакиллари “Хавас” турнирининг вилоятлар ва Қорақалпоғистон республикасида ўтказилган ғолиблари қатнашмоқда. Бу ўйин шубҳасиз ёшлар орасида ҳам ниҳоятда оммавийлаштишига шунингдек, мамлакатимизда спортга эътибор кучайганлигидан далолат десак адашмаймиз.

Рўзи БОЙ

ИККИ АВЛОД УЧРАШУВИ

Республика ёшларининг “Камолот” жамғармасида “Нуроний” жамғармаси билан ҳамкорликда “Икки авлод учрашуви” мавзусида мулоқот ўтказилди. Унда жамғарма бошқаруви раиси Ҳотам Абдураимов, “Нуроний” жамғармаси раиси Э.Боқибоев сўзга чиқиб уруш ва меҳнат фахрийларига эзгу тилаклар билдирди. Президентимиз аҳолининг ёшу-қарисига алоҳида ғамхўрлик кўрсатаётганларини таъкидлаб ўтди. Тадбирда истеъдодли ёш санъаткорлар йиғилганларга ҳуш кайфият улаштиди. Сўнгра фахрийларга “Камолот”нинг эс-даллик совғалари топширилди.

НОЗИМА

ЯХШИЛАРНИНГ НОМИ АБАДИЙ

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтига узоқ йиллар ректорлик қилган севимли устоз, олима Мақсуда Аъзамовна Хожинованинг номини бугун нафақат олийгоҳимизда, балки республикамизда ҳам фахр билан эслашади.

Устознинг миллий қадриятларимизга эътиқоди жуда баланд эди, қизларнинг кийинишию, одоб-ахлоқи ва турмуш шароити билан яқиндан қизиқиб, уларга ўз маслаҳатларини берар, ёшларнинг мунтазам малакаларини оширишлари, илмий изланишлар олиб боришлари йўлида ғамхўрлик кўрсатарди.

У ўзининг бугун истеъдоди ва куч-ғайратини ёш авлодни тадбиркор, замон талабларига мос мутахассислар этиб тарбиялаш, фан ва техникани ривожлантиришга бағишлади. Онахонимиз Ўзбекистонимиз мустақиллигини орзу қилиб, халқимизга, Ватанимизга покиза виждон билан хизмат қилганлардан.

Ўзбек аёллари орасидан биринчи академик ҳисобланади.

Мақсуда Хожинова 200 дан ортиқ мақола-лар, ўқув дарсликлари, қатор илмий-услубий кўрсатмалар тайёрлаб, республикамиз илм-фани

муваффақиятига муносиб ҳисса қўшган. Унинг фидойилиги туфайли ўқув бинолари илмий лабораториялар, талабалар уйлари, ўқитувчи-ходимлар, аспирантлар фарзандлари учун болалар боғчаси ва бир қатор қурилишлар амалга оширилганлигини кўпчилик мамнуният билан эслашади.

Илмпарвар опанинг заҳматли меҳнатларини институтимиз аҳли қадрлаб, эъзозламоқда. Институт ўқув биноларидан бирига ўрнатилган ёдгорлик, “Академик Хожинова хона-музеи”, шунингдек, аълочи талабаларга олима номи билан аталадиган стипендияларнинг таъсис этилганлиги фикримизни исботлаши мумкин. Олима яшаган Яккасарой туманидаги кўча ҳозир унинг номи билан юритилмоқда. Буларнинг барчаси барча зиёлилар қатори ёшларимизнинг маънавий баркамоллиги, қадриятларимизни янада мустаҳкамлашига хизмат этмоқда.

А. АБДУҒАФФОРОВ,
Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтиректорининг маънавий-маърифий масалаларбўйича биринчи муовини

СОГИНСАМ, ОТАЖОНИМ, ИЗЛАЙИН ҚАЕРЛАРДАН...

Сиҳаттоҳда дам олаётган падари бузрукворимиз биров билан суҳбатлашиб ўтирсалар, ёши етмишларга борган бир кекса киши яқинлашиб келиб, саломлашиб:

— Ёшулли, Сиз мабодо 1935-36 йилларда Тўрткўлдаги фалон қишлоқда муаллимлик қилган Муҳаммаджон Ҳотамов эмасмисиз, — деб сўрабди.

— Тақсир, қани, ўтирсинлар, тўғри топдингиз, мен аини 1935 йилда йўлланма билан бориб, худди ўша ерда илк меҳнат фаолиятимни бошлаганман. Ҳарбий хизматга чақирилгунга қадар мактабда муаллимлик қилганман. Мени қандай танидингиз?

— Э, ёшулли, одамнинг овози билан кўзи умри давомида ҳеч ўзгармас экан. Овозингизни шундай эшитдим, дарҳол ёдимга тушдингиз. 1936 йили мен 5-синфлигимда, математика фанидан сабоқ берганингиз ҳамон кечагидек кўз ўнгимда.

Шундай суҳбат асносида собиқ устозу шогирд қарийб олтимиш йил ўтганидан кейин тақдир тақозоси билан учрашиб, кучоқлаша кетибдилар. Сиҳаттоҳда дам олиш муддати тугагач, бир-бирларининг оила аъзолари, ўғил-қизу, неваралари билан таништирдилар, ўзаро борди-келди муносабатларини ўрнатдилар.

Ушбу воқеага ҳам мана, беш йил тўлди. Отамиз раҳматли (илоҳим жойлари жаннатда бўлсин) ўтган йили бандаликни бажо келтирдилар. Ҳар йили 9 май кунини падари бузрукворимизнинг тугилган кунини сифатида байрам қилиб, ёру дўстлари даврасида гурунглашар эдик.

1939 йилда ҳарбий хизматга чақирилиб, ҳарбий учувчи сифатида урушда жасорат кўрсатган, қонли даҳшатларни бошидан тула ўтказган, оғир контузияга учраб, бир неча бор ўлимдан қолган отамиз Галаба байрами санаси дунёга қайта келган кундай бўлиб қолганди.

Даҳшатли қиргинбаротлардан омон қайтган падари бузрукворимиз ўзи суйган муаллимлик касбинини давом эттириб, маориф со-

ҳасида фаолият кўрсатгани туфайли Ватанимизнинг турли чеккаларида жуда кўп шогирдлари борлиги, уларнинг ҳаммасини яхши ном билан хотирлашларидан фахр ҳиссигина дилимизга таскин беради.

Ёдимда, қайтиш қилишларидан бир ой чамаси аввал, бетоб ётган отамиздан хабар олгани борсам, жуда тушкун кайфиятда, дард эзиб қўйган ҳолда ётган эканлар. “Мен билан бир пиёла чой ичинг, ада, сиз ёқтирган таомни пишириб келдим”, — дея дастурхонга чорладим. У киши иштаҳалари йўқлигидан туришга рағбат билдирмадилар. Мен ортиқ сўзламай, қўлимга отамнинг қашқар рубобларини олиб, “Танавор”ни чала бошладим. Шунда беҳол ётган отамиз кўзларида нур чақнаб, вужудларида ички бир қувват пайдо бўлиб, уринларидан турдилар ва қўлларига найни олдилар. Ота-бола иккимиз маза қилиб жўрликда бир неча куйлар ижро этдик. Ушанда волидаи муҳтарамамиз севинчдан энтикканларини тасвирлашим ҳам қийин. Бу каби воқеалар энди хотирага айланиб қолди.

Баъзан машҳур “Соғинсам, отажоним, излайин қаерлардан...” сатрлари жаранлаган қўшиқ қулогимга чалиниб қолганида, кўзларимга ёш келиб, отамизнинг гапларини, тутган ишларини, берган ўғиту маслаҳатларини хотирлайман. Меҳрибон қиблагохимиз ҳозир орамизда йўқлар. Лекин уларнинг руҳи ҳамisha биз билан биргалигини доимо ҳис қиламиз. Чунки одамдан бу дунёда яхшилик, эзгулик, меҳру оқибат қолади. Инсоннинг эзгу амаллари унинг фарзандларида, авлодларида давом этади. Ҳар бир инсондан буюк хотира қолади.

Пойтахтимизнинг қоқ марказида Хотира майдони мажмуаси бунёд этилиши ўтганлар руҳини эъзозлаш, кишиларга қадр эътибор кўрсатишнинг ёрқин намунаси бўлди. Ушбу зиёраттоҳда падари бузрукворимиз руҳи ҳам кезиб юрганга ҳеч шубҳа йўқ. Зеро, хотира муқаддас, абадий ва ўчмасдир.

**Гулчехра
МУҲАММАДЖОН**

Ажабланманг. Шунақаси ҳам буларкан. Бир вақтлар урушнинг бутун заҳматини чеккан отам эндигина нашр этилган Хотира китобини варақларкан, “Эҳ, аттанг, рўйхатга фалончининг номи кирмай қолибди. Мен билан бирга урушга кетиб, қайтмаган” деб афсусланганди. Бу сафар эса мулақо акси бўлди. Келинг, яхшики бир бошдан ҳикоя қилайлик.

Бир кун тахририятимизга анча кексайиб қолган отахон кириб келдида, ўзини таништирди.

— Исми-шарифим Рузубой Тошматов. Тошкент вилоятининг Паркент туманида яшайман. Иккинчи жаҳон урушининг ногирониман. Номим Хотира китобига ҳам киритилган...

ХОТИРА КИТОБИДАГИ РЎЗУБОЙ ОТА

Меҳмоннинг сунгги гапидан бир сесканиб тушдим, — “Қанақасига тирик одам Хотира китобига киритилиши мумкин?” Отахон бундай ҳолатларга кункичи кетган шекилли, таажжубланишимга эътибор бермади. Мен эса қизиқиб жавонда тизилган Хотира китобларидан кераклисини олдим ва Рузубой ота айтган саҳифани очиб куйидаги ёзувларга кўзим тушди: “Тошматов Рузубой” — 1923 й.да Сўқоқ қишлоғида туғилган. 1942 й. 27.12.да Кречетов хут.да (Чечено-Ингушетия) ҳалок булган.”

— Уруш вақтлари аввалига “қора хат” келиб, орқасидан узи етиб келган одамлар кўп булган. Оғир замонлар эди-да. Мен ҳам бирор жойда марҳумлар рўйхатига кириб қолган бўлсам керак. Хотира китоби архив ҳужжатлари асосида тузилган-ку, — дея изоҳ берарди Рузубой ота.

Биз Рузубой ота билан бугунги ҳаётимиз, ёшларимиз келажаги, бунёд этилаётган Хотира майдонларининг файзутаровати ҳақида узоқ суҳбатлашдик. Меҳмонни кузатар эканман, уйлаб қолдим: қани энди Хотира китобидаги минглаб кишиларнинг барчаси сафимизда бўлишганда, узларининг нуроний чехралари, ҳикматга тула сўзлари билан қалбимизга қувонч, ишларимизга ривож бахш этиб юришмасмиди. Кошқийди...

Ж. ТЎХТАШЕВ,
“Туркистон” муҳбири

ЎЗБЕК АЁЛИНИНГ ФАХРИ

Қайси соҳада бўлмасин биринчи сафда бўлиш жуда фахри, ва жуда қийин. Унда омадинг бахтлигинг, омадсизлигинг бахтсизлигинг.

Ўзбек қизлари орасидаги биринчи учувчи, биринчи парашютчи, собиқ иттифоқ даврида биринчи бўлиб тепловоз бошқарган, Ўзбекистонда илк бора фахри темирўлчи унвонига мушарраф бўлган Башорат ая Мирбобоева ҳаёти буни исботлай олади.

— Тошкентнинг Туркманбозорига яқин жойда яшардик, — дея ҳикоя қилди Башорат ая, — ўқиш билан бир вақтнинг ўзида авиатўгаракка, аэроклубга қатнардим. Биринчи марта парашютдан сакраганимда ўн беш ёшга ҳам тўлмагандим. “У — 2” самолётидаимиз. Иккита парашют кийиб олгандим: бири асосийси, иккинчиси захирадагиси. Учувчининг буйруғи билан саккиз юз метр баландликдаги қанотга чиқдим. Аввалига бироз ҳайқидим. Пастга сакраб тўртгача санадим, ҳалқани тортдим. Бошим узра ипак гумбаз ёйилиб, ерга тушяпман...

— Ўн тўрт ёшли ўсмир қизнинг ҳис-ҳаяжонларини тасаввур этиш унчалик ҳам қийин эмас...

— Ўн тўрт ёшли бўлиб яшаш менга насиб этмади.

Ўшанда ёшлар ташкилотининг етакчиси келди-да, сен жуда навқирон экансан, ёшингни комсомол ёшига етказамиз, деб тўрт йилга ёшимни катталаштириб, ҳужжат тўлдириб берди. Тез орада ёш қизнинг парашютдан сакрагани ҳақида хабар ҳамма ёққа тарқалган. Бу тўғрида ҳатто Европадаги нашрларда ҳам ёзишганди.

Шундай қилиб бир лаҳзада ўн тўрт яшар ўсмирдан, ўн саккиз ёшли қизга айланиб қолдим. Совет даврининг ана шунақа найранглари ҳам бўлган, қизим. Баъзида ўзбек қизи парашютдан сакрабди, деб чет афроғдагилар пичинг, туркилашиб ҳам қўйишарди.

— Аэроклуб, баландликдан сакрашлар ўсмир қиз учун оғирлик қилмаганмиди?


— Билмадим, оилада тўрт ўғил ичида ёлғиз қиз бўлганим учунми, ўғил болаларга хос нарсаларга қизиқишим кучли эди. Кейинроқ учувчилик сирасерорларини ўрганиб, биринчи мустақил парвозни амалга оширдим. Ўша йиллари Тошкент темир йўлларида алоқачи бўлиб ишлардим. 1939 йили машинистлик курсини тасмоллаб, паровоз ҳайдадим. Ўшанда эндигина ўн тўққиз ёшда эдим. Энди ўйлаб қарасам ўша пайтлар ёшлик шижоати, қизиқиши мени бир зум ҳам тинч қўймаган экан.

— Ёшлигингизнинг кўп йиллари уруш даврига тўғри келмаганмиди...

— Кўп нарсаларга улгуришим мумкин эди. Иккинчи жаҳон уруши даврида аёлларнинг махсус паровоз бригадаси тузилди. Ўзбекистондаги бор ноз-неъматлардан, кийим-кечак, пойафзал дейсизми, барини Фарбий фронт жангчиларига ташир эдик. 1941 йилнинг 20 декабри, қор гуллилаб ёғиб турибди, совуқ. Йул-йўлакка бомба, ўқ-дорилар остида қолардик. Қанчадан-қанча ўлганлар, ярадорлар, қон... Кўпчилик севиб томоша қилган “41-йил олмалари” биз бошимиздан ўтказган воқеалар асносида олинган. Кекса отахон ўзбек жангчиларига олма олиб бориш илнжиди бўлади. Йўлда мева-чева ортилган поезд фашистларнинг бомбасига учрайди. Машинистлар минг машаққат билан поездни юргизиб боришади. Нуруний бобо аскарларга атаган олмани қийинчиликлар билан бўлса-да, барибир фронтга, болаларига етказди. Буларнинг бари бўлган воқеа. Мен ўзим унинг гувоҳи бўлганман. Москва остонасида ўзбекистонлик жангчиларни кўриб, йиғлаб юбордик. Она юртдан биз келтирган мактублар, ноз-неъматларни йигитлар тиним-



сиз кўзларига суртишарди. Уруш ҳамон давом этар, бу орада 1943 йилда умр йўлдошим фронтга ҳалок бўлди. Мен эса бор аламимни меҳнатдан олдим. Ўша пайтларда фронт ортида ҳам ўзига хос меҳнат fronti вужудга келган, десам янглишмаган бўламан. Қанчадан қанча муҳим аҳамиятга молик саноат, ишлаб чиқариш корхоналари юртимизга кўчириб келтирилди. Эркаклар урушда. Кексалар, аёллар, мактаб



ёшидаги болалар бир бурда қора нонга қаноат қилиб, тунни кунга улаб, турли соҳаларда тер тўкишарди. “Ҳамма нарса аскарларимиз галабаси, тинчлик учун!” деган шир қишилар қалбига ўрнашиб қолганди.

— Президентимиз 9 майни Хотира ва Қадрлаш куни деб эълон қилганларини эшитиб, қай аҳволга тушдингиз?

— Бундан беҳад қувондим. Президентимизнинг Хотира майдонида кексалар билан қилган суҳбатларини сира бефарқ тинглай олмадим. Урушдан, ўша зугумли даврдан бирон зиён-заҳмат кўрмаган ўзбек хонадонни бормикан ўзи?!

Юрт мустақиллиги, озодлиги учун жон фидо қилганларни хотирлаш, тирикларни қадрлаш ҳар бир инсон учун ҳам қарз, ҳам фарздор. Менимча, инсоният хотирани унутса, ўзлигини йўқотади, манқуртликка юз тутади. Мустақиллигимиз, унинг халққа берган неъматлари, бугунги ҳур ва эркин замон тўғрисида ўйлаб туриб, ёшларимиз буларнинг қадрига етишлари, истиқлолимизни, тинч, осойишта, фаровон ҳаётимизни кўз қорачиғидек асрашларини жуда-жуда хоҳлардим.

Мен ёшларни парашютдан сакрашга, поезд ҳайдашга, самолёт бошқаришга даъват этиш пиятдан йироқман. Фақатгина Башорат аянинг фидойилиги, қатъияти, журъати, меҳр-оқибати барчамизнинг қалбимизга оз бўлсада кўчипини истайман, холос.

Ўшанда Маҳкамол эндигина ўн олти ёшга тўлганди. Уруш бошланганлиги ҳақидаги шум хабарни эшитиб андек гарангсиз қолди. Лабини қаттиқ тишлаганча юртнинг келгуси тақдири қандай кечишини ўзича кўз олдига келтирарди. Оилада тўрт ўғил-

ва онамни парваришладан ортган бўш вақтимда хусусий хонадонларга касаначилик хизмати бўйича ишга кирдим. Сочик, қўлқоп, пайпоқ тўқирдим.

Жонини жабборга бериб ишлаган қизчани фабрикада илғор ишчи сифатида хурмат қили-

МУНАВВАР КУНЛАР ШУКРОНАСИ

нинг ичида Маҳкамол ёлғиз қиз эди. Оналари отанинг ўрнини сездирмасликка ҳаракат қилсаларда, қиз барибир онда-сонда ота меҳрини кўмсаб қоларди...

— Уруш бошланганини эшитиб акаларининг тўртови ҳам кўнгиллилардан бўлиб армияга кетишди, — дея хотирлайди иккинчи жаҳон уруши меҳнат фахрийси Маҳкамол опа Турсунова. — Катта акамнинг уч ойлик чақалоғи менга қолиб кетди. Бу ерда онам бечора. Оилага ёрдам бўлсин деб, тўқувчилик фабрикасига ишга киргандим. Фронтдаги жангчилар учун иссиқ кийим-кечак тўқирдик. Уч сменада ишлаймиз. Сўнгра ярим кечаси ишдан чиқиб, қора нон учун узундан узоқ навбатга тураман. Кўзингиз илиниб, сал мудрадингизми ёки бироз бўшашидингизми, бас ўша куни нонсиз қолиб кетиш ҳеч гап эмас! Ўтгани рост бўлган очарчилик, қаҳатчилик йилларини эслаб, ҳозирги кунимиз билан солиштирсам, бугун мен худди жаннатда яшяпман.



шарди. Уни стахановчилик ҳаракати бўйича Москвага юбормоқчи бўлганларида кўнмади. Онаси ва жиянини кўзи қиймади.

Уруш ҳам тугади. Маҳкамол опанинг икки акаси бедарак йўқолди. Қолган икки оғаси қаттиқ хасталикка чалиниб, юртига қайтди-ю, тезда оламдан ўтди.

— Урушни кўрган одам тинч, фаровон ҳаётнинг қадрига кўпроқ етади, қизим, — дея бизга ҳамсуҳбат бўлди Маҳкамол опанинг турмуш ўртоғи Саид ака Турсунов, — Учинчи Украина фронтининг 243-ўқчи дивизияси таркибида Сталинград, Ворошилов, Одессадаги жангларда иштирок этдим. Контузияга учрагач, Руминиядан қайтдим, касалхонага ётқизишди. Лекин она юртим — Ўзбекистон доим ҳаёлимда, юрагимда эди. Фикримча,

биздан ҳам кўра кўпроқ фронт ортида меҳнат қилаётган кексалар, аёллар, ўсмиру болаларга оғир бўлган. Ёйиш-ичишининг, кийим-кечагининг тайини бўлмаганича, улар тонгдан, қоронғу тунгача меҳнат қилишарди. Тагин устига-устак ўзбек оилалари ўз фарзандлари ёнига урушдан Тошкентга эвакуация қилинган беш-олти нафар болани боқиб, тарбиясига оларди.

— Президентимиз 9 майни Хотира ва Қадрлаш куни, деб эълон қилдилар. Уларнинг ташаббуслари билан пойтахтимизнинг қоқ марказида “Хотира” майдони барпо этилди. У ерда тинчлик, осойишта ҳаёт учун жон олиб, жон берган ҳар бир ўзбекистонлик ақсарнинг исми-шарифи қайд этилган. Шундай эзгу ишларнинг ташаббускори бўлган Юртбошимизни туну кун дуо қиламиз!

ОЛЛОҲ РИЗОЛИГИНИ ИСТАСАНГ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Дин ишлари бўйича қўмита раиси Фозил қори СОБИРОВ билан суҳбат

— Тақсир, дунё яралибдики, яхшилик ва ёмонлик, эзгулик ва ёвузлик ўртасида мурасиз кураш боради. Бевосита шу жараёнинг сабабчиси бўлган одамзот эса шу ҳаётдан маъни излайди.

— Бисмиллоҳи раҳмонир роҳийм. Оллоҳ субҳаноҳу ва таоло Куръони каримнинг “Бани Исроил” сурасида марҳамат қилиб айтдиларки: “... Биз Одам болаларини азиз-мукаррам қилдик ва уларни барру баҳрда — қуруқлик ва денгизда (от-улов ва кемаларга) чиқариб қўйдик ҳамда уларга ҳалол-ноқ нарсалардан ризқуруз бердик ва уларни Ўзимиз яратган жуда кўп жонзотлардан афзал-устун қилиб қўйдик”. Дарҳақиқат, Оллоҳ одамни улуг қилиб яратди — унга ақл ва қалб ато этди.

Ақлни ишлатиш учун инсонга билим, тафаккур, ҳунар керак. Қалбда эса иймон — Оллоҳга ишонч бўлиши лозим. Шундагина инсон мукамал, комил бўлади.

Айтишларича, бир куни ҳазрати Баҳоуддин Нақшбанддан шогирдлари “Устоз, инсоннинг ҳайвондан фарқи нимада: жонида, соқолида, тилидами?”, деб сўрашибди. Шунда Ҳожа Баҳоуддин Нақшбанд уларга жавоб бериб, шундай деган эканлар: “Инсоннинг ҳайвондан фарқи унинг жонида эмас — чувалчангда ҳам жон бор, соқолида эмас — эчкида ҳам соқол бор, тилида эмас — тўтиқуш ҳам сўзлайди. Фарқ унинг фаҳм-фаросатида”.

Ота-боболаримиз салкам ўн тўрт асрдан буён ислом динига эътиқод қўйиб келмоқда. Бу даврда Мовароуннаҳрда забардаст уламолар етишиб чиқди. Улар бутун ҳаётларини исломни ўрганишга, тарғиб этишга бағишладилар. Биз инсоният оламига пири муршидлик қилган кишилар заманида яшаётганимиздан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

— Чиндан ҳам, ислом дини инсоният тараққиётида муҳим ўрни тўтган ва аждодларимиз у туфайли фақат эзгулик, ҳалолликни тарғиб этишган. Лекин, узоқ йиллар биз динимиздан анча йироқлашиб кетгандик. Шу боис бўлса керак бугун биз, айниқса

ёшлар ислом нималигини кези келганда тушуниб-тушунмасдан хато-ларга йўл қўйяпмиз.

— Албатта, собиқиттифоқ давридаги ислом динига бўлган эътиборсизлик ўзининг салбий оқибатларини кўрсатмоқда. Бироқ, Оллоҳга бениҳоя шукрлар бўлсинки, мустақиллигимиз шарофати билан биз яна ота-боболаримиз эътиқодига қайта бошладик. Шу ўринда, ислом нима, деган савол тугилиши табиий.

Ҳазрати Умар розияллоху анҳу ривоят қиладилар: “Бир куни Пайгамбаримиз (с.а.в.) ҳузурларида ўтирсак, бизга нотаниш бўлган бир хушрўй киши кириб келди. У зот шу қадар озода кийинган эдики, ҳозир кўчадан юриб келганлиги ҳам билинмасди. Шунда у Пайгамбаримизга юзланиб, “Ислом нима?” деб савол берди. Пайгамбаримиз унга жавобан “Ислом Оллоҳга иймон келтириш, Расулни ҳақ деб билиш, Оллоҳ буюрган беш вақт намозни ўқиш, Рамазон ойида бир ой рўза тутиш, бой бўлиб, моли кўпайса закот ажратиш, йўлга қодир бўлса, зоди роҳиласи етса Ҳажга бориш”, дедилар. Буни эшитиб ҳалиги одам “Тўғри”, деди. Биз ҳайрон бўлдик. Яна сўрадики — “Иймон нима?” Бу саволга Пайгамбаримиз “Оллоҳга, унинг ягоналигига ишониш, у юборган пайгамбарлар ва уларга туширилган китобларни ҳақ деб билиш, қиёмат кунига, охирагга ишониш, тақдирга тан бермоқлик”, деб жавоб қайтардилар. “Тўғри айтдинг”, деди ҳалиги одам. Нотаниш меҳмон кетгач, Пайгамбаримиз “У зот ким, биласизларми?”, деб сўрадилар ва айтдиларки, у Жаброил алайҳиссалом — Оллоҳ билан пайгамбарлари ўртасидаги элчи”.

Бу дунёда ҳар бир одам оиласининг тинч-тотув яшашини, фарзандларининг соғ-саломат вояга етишини хоҳлайди. Оллоҳга иймон келтирган чин мусулмон киши ботанишнинг ҳам тинчлигига, саломатлигига зиён етказмайди. Исломда бир бегуноҳнинг қонини тўкиш бутун оламнинг қонини тўкиш билан баробар деб қўйилган.

— Пайгамбаримиз Муҳаммад

Мустафо (с.а.в.) бир ҳадисларида умматлари етмиш уч фирқага бўлиниб кетиши, уларнинг барчаси ҳам адашганлар бўлиши ва фақат аҳли сунна вал жамоа тўғри йўлда бўлишини башорат қиладилар. Ҳар бир мусулмон орзу қилган аҳли сунна вал жамоасидан бўлиш учун нима қилиш зарур?

— Ислом Оллоҳнинг сўнгги ва комил динидир. У қиёматгача ту-

Дин ва ёшлар

ради. Асрлар давомида тарқалиб борган динимизга бугунги кунда миллати, irqи, жинсидан қатъи назар, миллионлаб одамлар эътиқод қилади. Дунё кенг ва ислом динини у ерларга етказганлар фикрида, амалида ихтилофлар — фарқланишлар бўлиши табиий. Шу фарқларга кўра динимиз тўрт мазҳабга бўлинади. Уларни эътироф этувчилар аҳли сунна вал жамоадир. Мазҳаблардан энг биринчиси биз амал қиладиганимиз Абу Ҳанифа асос солган мазҳаб саналади. У киши Пайгамбаримиз асрида Куфада таваллуд топганлар. Ўша вақтларда бу шаҳар муҳити муҳаддисларга бой эди. Тўрт минг устоздан, жумладан тўққиз нафар саҳобадан сабоқ олган Абу Ҳанифа Имом Аъзам даражасидаги ягона кишидир. Бошқа мазҳаб асосчилари Имом Аъзамни ўзларига устоз деб билдилар.

Бир куни Амир ал-Муминин Имом Моликка унинг китобини бутун дунёга тарқатишни таклиф қилибди ва шунда кўпроқ мусулмонлар унинг мазҳабини эътироф этишларини айтибди. Бунга жавобан Имом Молик агар бундай қилинса мазҳаблар ўртасида ихтилоф кучайишини, шу боис ҳар бир элат ўз юртидаги мазҳабга ихлос қўйиши маъқул бўлишини билдирган эканлар.

Албатта мазҳаблар ўртасидаги ихтилоф айрим масалалар юзасидангина бўлиб, эътиқод ягонадир. У фарқланишларни баҳона қилиб биродарлар ўртасига нифоқ солиш исломдан эмас.

— Ҳозир турли янги диний оқимлар, фирқалар пайдо бўлиб, улар

ҳатто мазҳаблардан ҳам хато қилираётганлиги, энг ёмони эса — ёшларимизни йўлдан оздираётганлиги сир эмас.

— Афсуски, шундай. Яқинда Фарғона водийсидан бир мулла “Имом Аъзам ким бўлибди, менга ўхшаган домлада”, дебди. Бу отасига “Сен ким бўлсан, мен ҳам ўз фарзандларимга отаман”, дегандек бир жоҳилона гап.

Куръони каримда Оллоҳнинг арконидан маҳкам ушлаб, фирқа-фирқага бўлинмаслик лозимлиги айтилган. Куръон — Оллоҳнинг каломи. Унга амал қилиш керак. Исломни таҳрир қилишдан, унга янгилик киритишдан на ҳоҳат? Ҳақиқат айтиб бўлинган.

Таассуфки, динни ниқоб қилиб олган гаразғўй кимсалар туфайли турли фирқалар бизнинг мамлакатимизда ҳам тарқала бошлади. Улардан бири “Ҳизби таҳрир”. Улар ўзларининг шум ниятларига етиш учун исломга янгилик киритишмоқчи. Гоёни қарангки, Халифа бўлмас ислом бўлмасмиш. Ахир Пайгамбаримиз ўз ҳадисларида “Халифалик мендан кейин ўттиз йил давом этади...”, деб башорат қилиб қўйибдиларку. Ёки Оллоҳ айтмаган-ку — Халифа бўлмас намозингни қабул қилмайман, деб. Лекин бундай кимсалар ўзларини пайгамбарлардан ҳам юқори қўйишяпти. Улар бугун Имом Аъзам йўлини танқид қила бошладилар. Бу билан шу пайтгача ўтганларнинг барчаси ўқиган намозни хатога чиқаришди. Қандай андишасизлик, ўзига бино қўйиш!

Бундай оқимларнинг яна бир гоёси — жиҳод. Уруш билан, қилич кўтариб, қон тўкиб, одамларни мажбуран динга кирғизиш.

Муаллифдан: Фозил қори домла билан суҳбатимиздан сўнг ўйлаб қолдим: биз ким эдик ва бугун киммиз? Аввалига Наманганда, кейинчалик Тошкентда бўлиб ўтган жипоий ҳаракатлар ислом динининг асосларини яратган Имом Бухорий, Баҳоуддин Нақшбанд, Абдуллоҳ Гижзавоний, Замахшарий каби улуг аллоамаларнинг авлодларига ярашармикан! Бундай ноҳуш ҳолатларнинг илдизи қаерда? Ёшларимизнинг муқаддас динимиз туб моҳиятини англамаётганлиги ва шу боис турли асосиз гоёллар таъсирига тушиб қолаётганлигида эмасмикан. Нима бўлганда ҳам бу борада ҳали кўп саволларга жавоб топилгани йўқ. Бу биздан яна мавзуга қайтишни талаб этади.

Қаерда буюрилган экан, шундай қилиш? Оллоҳ Пайгамбаримизга “Эй, ҳабибим, сиз хабар беринг, етказинг. Сизга шунча одамни мусулмон қиласан, деб мажбурият юклатилмаган”, дейди. Бизга бешта фарз буюрилган. Олтинчиси йўқ.

Ҳадиси шарифда “Оллоҳ таоло ҳар бир инсонга бир мансаб, мартаба ато қилган. Биров олий-мақом зот бўлса, биров бироз куйироқ мақомда ҳаёт кечиради. Сизлар ҳар бир инсонни имконият қадар ўз ўринларига қўйинглар, яъни, буюк шахсларга беҳурматлик назари билан қараманглар ва беписандлик билан уларга беъътибор бўлманглар”, дейилади. Ана шундай кишилардан бири ҳазрат Имом Аъзам Раҳматуллоҳи Алайҳи бўлиб, унинг мазҳабида собит туришимиз, ҳар хил оқимларга эргашиб кетавермаслигимиз лозим. Бизга бегона гоёнинг ҳоҳати йўқ.

Мамлакатимизда динга эътибор билан қаралапти; масжидлар, мадрасалар тикланыпти, буюк бобокалонларимиз қабрлари обод этилиб, зиёратгоҳларга айлантириляпти, муборак Ҳаж сафарига бориб турибмиз. Бизга яна нима керак? *Ўзбекистонда ҳеч ким очликдан ўлмади, аммо очкўзликдан ўлиши мумкин.*

Оллоҳ бизга доно одамни йўлбошчи қилиб берди. Бу ҳам яратганинг марҳамати. Тинч-осуда ҳаётимиз учун шукрона қилайлик, Оллоҳдан юртимиз ободлиги, фарзандларимиз камолини талаб яшайлик.

**“Туркистон” мухбири
Жамолиддин ТҲУТАШЕВ
суҳбатлашди**

ҚИЗИНГИЗ БОРМИ?

“Ҳар на боринг бўлса, аввал бурун қизингга бергил”.

“Қобуснома”дан

Ҳар бир ота-она ўз қизини олий мақомда бўлишлигини чин дилдан истайдилар. Айни шу жараёнда ўзига хос тарбияга зарурият сезилади. Ҳали одамларда замонавийликка интилиш бўлмаган даврларда қабил аъзолари ўз қизларига ахлоқ-одоб, меҳнатсеварлик, меҳр-шафқат, инсонпарварлик, лозим бўлганда жанговарлик ҳислатларини шакллантиришга алоҳида эътибор берган.

“Агар қизинг бўлса, уни мастура дояларга топширгил, дейилади “Қобуснома”да, токи яхши парвариш қилрайлар. Каттароқ бўлгандин сўнг муаллимга топширгил...”. Бисотимиздаги битикларимизни титкиларканмиз, оилада қизлар тарбиясига оид жуда кўплаб сара асарлар бизгача етиб келганининг гувоҳи бўламиз, улар бугунги кунимиз учун ҳам ўз қимматини йўқотган эмас. Афсуски, шўро замонида қизлар тарбиясида айрим-айрим мутафаккирларнинг педагогик қарашларини ўрганиб, тартиб-ташвиқот этишга зўр бердик. Аммо томирлари минглаб йилларга бориб тақаладиган қизлар тарбиясига оид халқ педагогикасининг, таълим-тарбиянинг китобларда битилмаган усуллари кўп ҳолларда эътиборимиздан четда қолиб кетаверди. Шунинг олиғимиз лозимки, ўзбек халқи қизлар тар-

бияси бўйича шундай кўхна қадриятларга эгаки, биз уларга ҳануз етарли эътибор бера олаётганимизча йўқ.

Оилада қиз болалар тарбиясида биринчи масъулият ота-она зиммасига юкланади, бу қизнинг турмуш тақдирига жавобгарликдир. Қизни турмушга тайёрлаш волида ва падарнинг энг асосий вазифасидир. “Тезроқ уни бир кишининг бўйнига банд этгил, - дейилади. “Қобуснома”да, токи, унинг комидан қутилгайсан. Агар қизинг эрга тегмаган бўлса, уйданмаган йигитга топширгил, токи унга кўнгил боғласин ва ул бунга кўнгил боғласин. Яхши юзлик куёв талаб қил. Ва қизингни хунук юзли одамга бермагил. Нединким, қиз бадрўй йигитга кўнгил қўймагусидир, ва сени ҳамда куёвга бадкомн нуҳосил бўлгусидир.” Сир эмас, жуда кўп одам-



ларда қизларни турмушга тайёрлаш жараёнида кечадиган тарбияга ота-оналар етарлича эътибор қилмайдилар. Бу борада фақат ўзи билганича иш тутиб, ота-онанинг “гаплари”га кулоқ солмайдиган қизлар ҳаётда кўп нарсаларни йўқотадилар. Ҳар ҳолда бу “ютқизишлар”, хато-лар ёшликда унчалик сезилмас ва, кейинроқ юракка оғир тош бўлиб ботади. Бундай ноҳушликлар кўпинча оилада қизлар тарбиясининг энг муҳим томони, яъни турмушга тайёрлашга эътибор етарли бўлмагандан юз бериши мумкин. Улар тарбиясида баъзан ширин сўз ҳам, баъзан қаттиққўллик ҳам талаб қилинади.

Қиз боланинг жисмоний, руҳий, ахлоқий камолоти биологик жиҳатдан ҳам мураккаб вазиятда кечади. Қизларни вояга етказиш ота-оналар масъуллигини фақат инсоний, яъни ота-оналик бурчи деб қаралмаслиги керак. Бу аввало, ижтимоий вазифа ва жавобгарликдир. Боласини суйишни товўқ билади, қорнини тўйдирини читтак ҳам уддалайди. Аммо ўз жигарбандини оқил одамлар қилиб, эл сафига қўйиш ҳар кимнинг қўлидан келавермайди.

“Икки қизни тарбиялаб вояга етказган киши жаннатийдир” дейилади муборак ҳадисда. Бу қиз бола тарбияси ўта мураккаб ва нозик эканлигига ишорадир.

Оила ҳаётининг асосий муддао ва мақсад фарзанд камоли экан, болалар тарбиясининг бош мактаби эру хотин ҳисобланаркан, бу муаммо муҳимлигича қолаверадир.

**Феруза ҲИДИРОВА,
Низомий номидаги ТошДПУ
ўқитувчиси**

Сароймулкхоним бу гал эрининг чехрасида қандайдир сўлгинликни кўрди. Кечагина Қонигида хоржий элчилар шарафига берилган зиёфат чоғида ҳам соҳибқирон негидир ўйчан эди. Гарчанд меҳмонлар олдиди ўзини бахтиёр ва шодон қиёфада кўрсатса-да, у ҳозир юзиди яққол сезилиб турган паришонлик изларини Сароймулкхоним назаридан яширолмади. Уттиз беш йиллик турмуши давомида у Темурбекни обдон ўрганган. Эрини қандайдир чуқур ташвиш ё муаммо эзаётганини кўнгли сезиб турибди.

— Бир мушкулотга салкам эллик йилдан буён жавоб тополмайдурмен, бегим, — шундай дея Темур хотинига меҳр тўла нигоҳини тикди.

— Бул не мушкулот, Сиз - ҳазратим, етти икким ҳукмдори, ечолмайдурсиз?

— Мен Тангри қули Темур ҳам оддий бандаммен, бегим.

Сароймулкхонимнинг чехрасида таажуб акс этди. Темур эса бу нурли сиймодан меҳр ила дардли нигоҳини узоқламай, сўзида давом қилди:

— Эллик йилча муқаддам содир бўлгон бул воқеа ҳаргиз кўз ўнгимдадур. Баайни кечагидек. Шикорга қизиқиб кетиб йўлдин адашиб қолгон эрдим. Аксига қаттиқ ёмғир қуйиб берса бўлурми? Бир вақт йироқдаги тепаликка кўзим тушди. Ушал ёққа отимни қамчилдим.

Яқин борсам, анинг атрофида ўтовлар бор экан. Мен ана шу қамиш ўтовлардин бирига кирмоққа жазм этдим. Мезбонлар хушнуд ва самимий кишилар эркан.

Дастурхон атрофида алар билан анча муддат суҳбат қурдик. Бул меҳрибон одамларга кимлигини, бошимдан ўтгонларни сўзлаб бердим. Алар сўзларимни бағоят диққат ила тингладилар. Кетар чоғимда эрса кишилардин бири шундай деди:

— Келажак пардаси ортидин, амир, сенга малад қутилайтир. Пайгамбар авлодлари ҳаётини ўз муборак паноҳларига олмиш, ул зотнинг ноибларидин бири сенинг ноибинг ва йўлдошинг бўлгай. Бироқ у киши кимлигини фақат ўлимининг олдиди билгайсен, холос.

Темур кейинги гапларини алоҳида ургу билан айтди.

— Ул кишини ўлимни олдиндингина билишимни алар қайдин сезгандурлар, бегим? Зотан, ўзлари ким эрдилар? Шуни билолмай доғдамен.

Сароймулкхоним эрига ажабланиб боқди. Оқ шоҳи қўйлаги, ёкут ва гавх

арлар билан безатилган тиллақоши. Сутдек оқиш юзлари ва тинқора шахдо кўзлари билан "Минг бир кеча" даги Шахризодани эслатувчи бу малак ақл-фаросатда ҳам Шахризодадан сира қолишмас эди. Соҳибқирон унинг лабларидан учган ҳар бир сўзини инжу мисоли қадрлаши ҳам шундан.

— Ҳазратим, эсингиздаму яна бир айтгон ажойиботингиз?

— Ҳизр алайҳиссаломни кўргонимми?

— Йўқ, ҳазратим. Мен жаннатмакон шайх Зайниддин Абу Бакр Тайободийнинг сизга сўзлаган башоратларини эслатадурмен...

Темурнинг хаёл кўзгусидан хув ўша, узоқ ва бетакрор ёшлигида шайхдан олган фотиҳаси ва тухфалари ўтди. Абу Бакр Тайободий унинг белига камар боғлаб, бошига кулоҳ кийгазиб, кўзига "рости-русти" сўзлари ёзилган узукни тутқазиб, шундай деган эди:

— Ер юзинда бир одам борким, жамики ишларингда қўллагай, сени пайгамбарнинг ноғиб, деб атагай. Алҳол сен ани кўра олмоғинг мумкин эрмас, лекин шундоғ пайт келадурким, анинг ўзи сенга бахт тўла назар бирлан қарагай.

Соҳибқирон бутун ҳаётини, кўрган-кечирганларини ўзи билган, таниган кишиларни, пиру шайхлар, саиду уламолар -

Сароймулкхоним яна қўшимча қилди: — Сизни ҳамшира қўллаб келган пирларингиз, азиз-авлиёлар бисёрдур, соҳибқирон! Башарти ўшал зотни топа олсангиз, қолгон жамики мушкулотингиз ўз-ўзидан ечилур, шояд...

Темурнинг бирдан чехраси ёришиб кетди. Мана, жумбоқ қалити!

У беихтиёр хотинини кучоқлаб бағрига босди. Тинқора сочларига бошини қўйиб энтикди. Сароймулкхонимдан уни маст қилувчи, ўша буй, ўттиз беш йилдан бери вужудига аллақандай тароват бахш этувчи сеҳрли тўлқин таралади. Ҳеч қандай нозарини уни ўзига бу қадар ром этолмаган асло!..

Кўзлари... Бу жоду кўзларда у яна кимнингдир нигоҳини кўрмаётганими? Шошма, шошма, ахир. Бу Камолойнинг нигоҳи эмасми? Камолой! Амир Қазогонхоннинг набираси, кўз очиб кўрган биринчи хотини! Тунгич ўли Жаҳонгирнинг онаси унга қараб турибди-ку, ахир! Е раб!

— Яна не гап, ҳазратим?

Сароймулкхонимнинг мурожаати Темурбекни хаёл оғушидан чиқарди.

— Тақдиримда битилган ажойиботлардан ўзим лолмен, — деди у ўйчан ҳолда. — Баъзан етти ухлаб тушимга кирмайдургон воқеалар юз берадур. Бундин икки йил муқаддам шайх Қутбул Орифин Садрид-

Ўзимнинг мироҳўрим эркан. Бу одам уч кун бадалида булоқ бошига келиб, таҳорат қилиб намоз ўқиди. Учунчи кунни мени қийнаётган шубҳадан халос бўлмоқ умидида ул киши билан сўйлашишга журъат этдим.

— Сайид Али ота! Мен сени хизматкорларим орасида энг ношудидеб билур эрдим, мана энди мартабанг шунчалик олий эрканини кўриб турибмен. Бул шарафли мартабага қандай эришдинг?

— Салтанатнинг бошланишида, — деди у саволимга жавоб тариқсиди, — "қутбул-ақтаб" сенга ёрдам беришини менга буюриб эрди. Мен анинг амрини адо этурмен.

Шул гаплардин сўнг мироҳўрим иккимиз таҳорат қилдик. Кейин Сайид Али ота имом бўлди. Мен андан орқароқда туриб намоз ўқидик. Бул намоз менга ниҳоятда буюк сурур бағишлади. Сўнгра қутб менга деди:

— Сен Аллоҳнинг меҳмонисан. Шул боис меҳмондўстлик юзасидан парвардигор жамики тилагингни бажо келтиргай.

Бағоят хурсанд бўлиб андин иймонининг тасдиғини сўрадим. Қутб жавоб айлади:

— Иймон Расулulloғга тегишлидир. У бир шаҳар бўлиб, ташқарисидагилар "Ло илоҳо илло Аллоҳ" дейдилар. Анинг ичидидагилар эса "Илло Аллоҳу ло илоҳо" дейдилар.

Бу шаҳарнинг номи "Боб алабоб" дур. Бул шундай маконки, унда яшовчи банда ушбу калима тайибани ўқийдур: "Ло илоҳо илло Аллоҳу Муҳаммадур Расулulloҳ".

Шундан сўнг Қутб яна бир рақат намоз ўқиди. Мен ҳам анга қўшилиб турдим. Бир маҳал, навбатдаги сажладин кейин, бошимни кўтариб қарасам, Қутб ҳаёт қалитини топшируб, охирад бустониға муурожаат этибдур. Мен бундан қаттиқ гамнок бўлиб, шайх Садриддиннинг ҳузурига қайтиб келдим ва сафарда кечиргонларимни унга батафсил сўйлаб бердим. Ул менга деди:

— Ҳокимият фақат Аллоҳнинг ердаги ноиби Қутбга тегишлидур: у "Қутб-ул-ақтаб"нинг буйруғи ила буюк амрини қўллаб турадур. Қутб ўлгандин сўнг эса ҳокимият анинг қўлиға ўтар. Султоқ Боязиднинг салтанатини худонинг шундай бир бандаси қўллаб турадур. У гоийб бўлди ва эмди анинг салтанати сенга ўтди.

Бу муътабар қариянинг сўзларидин мен шундай бир мулоҳазага келдим.

СОХИБҚИРОННИНГ СЎНГГИ ЖУМБОРИ

барча-барчасини кўз ўнгидан ўтказаркан, шайх башорат қилган зотни улар ичидан топишга уринарди. Уни доимо қўллаб келган, унга бахт тўла назар билан қараган ким ўзи? Етмиш ёшга яқинлашган умри давомида қанчадан-қанча тақдир синовларидан эсон-омон чиқишида пушти-паноҳ бўлган зотни эслаши даркор. Таассуфки, ул киши фақат кароматли шайх Абу Бакра аён эди, холос!

— Сиз менинг бир мушкулотимга иккинчисини қўшиб, лолу ҳайрон этмоқдурсиз, бегим!

— Эсламоққа урининг, ҳазратим.

дин Арзабилдиннинг ҳузурига бориб, покиза ҳаёти билан маълум бир авлиғага хизмат қилишни истардим, дея ундан шундай кишини кўрсатишни сўрадим. Шайх менга Шаҳлон тоғига боришимни маслаҳат берди. Ул ерда қоядин чиқаётган бир булоқни топишим керак экан. Мен ул ерда сабр айлаб Қутбни кутмоғим, сўнг анга хизмат қилмоғим лозим эрди. Ул зот келиб, таҳорат қилиб, намоз ўқир эркан.

Филҳақиқат, тонг сахарда булоқ бошига бир одам келиб таҳорат қилди-да, намоз ўқий бошлади. Мен ёнига бордим, кейин бетига қарасам - во ажабо! - бу

дин Арзабилдиннинг ҳузурига бориб, покиза ҳаёти билан маълум бир авлиғага хизмат қилишни истардим, дея ундан шундай кишини кўрсатишни сўрадим. Шайх менга Шаҳлон тоғига боришимни маслаҳат берди. Ул ерда қоядин чиқаётган бир булоқни топишим керак экан. Мен ул ерда сабр айлаб Қутбни кутмоғим, сўнг анга хизмат қилмоғим лозим эрди. Ул зот келиб, таҳорат қилиб, намоз ўқир эркан.

Филҳақиқат, тонг сахарда булоқ бошига бир одам келиб таҳорат қилди-да, намоз ўқий бошлади. Мен ёнига бордим, кейин бетига қарасам - во ажабо! - бу

Эндиликда шухратим ва кудратим энг баланд чўққига чиқмиш. Менинг ҳам бошимга шундай кун келмоғи мумкин. Ҳар ҳолда мендин кейин ўрнимга одил подшо ўлтурса, деб ўйладим.

Темурнинг бу сўзларидан Сароймулкхоним юраги увишиб кетди. Наҳот у севган ва бутун умр ардоқлаган одами қарилкин буйнига олса? Улимни ўйлаб қолса? Сон-саноксиз жанг жадалларда ажал отига қамчи урган соҳибқиронга нима бўлди ўзи?

— Мен ҳам инсонмен, Тангри қули Темурмен, — деди соҳибқирон гўё унинг фикрини ўқигандай.

— Йўқ, сиз Темурбексиз!

Сароймулкхоним қалбидан отилиб чиққан бу нидо Амир Темурни сергаклантирди. Ҳа, у ҳақ. Соҳибқирон ҳеч қачон оддий инсон бўлолмади. Бунга унинг ҳаққи йўқ. У ҳеч қачон инсон сифатида йиғлаши, дардлашиши, гам-ғусса ё паришонхотирликка берилиши мумкин эмас. Аллоҳнинг ўзи унинг пешонасига шуни битган. Етти икким ҳукмдори сифатида ўзини тутишини буюрган!

— Боязид ила муҳораба бошлагон кунда, — деди Темур хотинига меҳр ила боқиб, — миямни ўлим ҳақидаги худди шундай фикрлар чўлғай бошлади, хоним. Улсам мендин кейин салтанатини ким бошқаради? Уғилларимдин қай бири валиахдликка лойиқроқ, деган ташвишлар қалбимни қамраб, изтироб чектиради.

Сароймулкхоним қалбиди яна нимадир узилгандек бўлганини сездди. Улим! У Темурсиз ҳаётини ҳеч тасаввур қила олмас эди. Соҳибқироннинг ўлишини, бир кунмас бир кун жон таслим қилиши мумкинлигини ақлига сиғдирма олмаган ҳеч қачон. Темур бамисоли улкан бир чинор. Унинг соясига нафақат у - Сароймулкхоним, балки бутун салтанат осойишта яшайди.

— Ушал муҳорабанинг биринчи тунида кўрдим Расулulloҳни! Улкан бир дархатнинг остинда ҳордиқ олаётгон эрмишмен. У ўзининг йирик япроқлари ила мени куёш нурларидан яширармиш, анинг шоҳлари орасинда ҳар хил қўшлар чирқиллашиб, ҳашаротлар ўрмалашармиш. Аларнинг бари менга соябон бўлгон шул дархатнинг меваларидан бахраманд эрмиш. Мен ҳам анинг меваларидин татиб кўрдим. Лекин анинг айримлари ширин бўлиб, айримлари нордон эрди. Шулу уйқумда бир сирли овозни эшитдим. Гўё мен кўргон дархат авлодларим эрмиш...

— Дархат сенинг ўзинг, анинг шоҳ ва япроқлари - сенинг авлодларинг, анинг мевасини егон кунш ва ҳашаротлар эса неъматингдин бахраманд бўлаётгон халқлардур, — деди ўша нидо!

Сароймулкхонимнинг вужудига титроқ югурди. Эрининг бу гаплари ҳозиргина миясида қақнаган фикрга мос тушгани уни даҳшатга солди.

Темур авваллари ҳам кўрган тушлари ва уларнинг оқибатлари ҳақида гапирган эди.

— Бир кун, — деган эди Темур унга, — тушимда атрофини даҳшатли жинлар, тўнғилар, бадбашара эркак ва аёллар, йиртқич ҳайвонлар ва қўшлар ўраб турганмиш. Чучиб уйғондим ва дарҳол пирим Зайниддин Абу Бакр Тайободийга мактуб ёздим. Шайх жавоб айлади:

— Тушингда кўргонинг даҳшатли маҳлуқлар - сен қилгон ёмонликлардур, тезда тавбу тазарру қилиб, гуноҳларингни ювгил.

Пирим айтгонларини дарҳол бажаришга киришдим. Орадин кўп ўтмай яна бошқа туш кўрдим. Бу гал гўзал боғда дам олаётгон эмишмен. Ул ерда ранг-баранг хушбўй гуллар, сархил мевали дарахтлар бўлиб, боғнинг ўртасидин анҳор тўлиб оқар, қаердиндур майин муסיқа оханглари эшитиларди. Бу тушимга пирим шундай таъриф берди:

— Расулulloҳ шундай таърифлагон эрдиларки, ҳар бир кишининг елкасинда шайтон туриб, одамни ёмон ишларга бошлаб туради. Сен ёмон қилмишларингда тавба қилиб, ўз шайтонингдин устун келгонсен. Ҳар бир мўмин ўз тавбаси ва яхши қилмишлари туфайли Аллоҳнинг мадади бирлан, ўз шайтонини енгиб турмоғи даркор.

Сароймулкхоним эрининг яна бир иқорини ҳам унинг ўз оёзидан эшитган. Бу султон Боязид билан жон арафасидаги кунлардан бирида кечган эди.

— Мен ўзини Расулulloҳ хукмига топшириб, — деган эди Темур, — намоз ўқидим-да, уйкуга кетдим. Тушимда бир саҳрода эрмишмен. Атрофимда тумонат одам. Йироқдин ёғду кўринди, мен у сари интилдим. Йўлда уч тўп қўлга кўзим тушди ва парво қилмай ўтиб кетдим. Бир вақт олдинда кетаётгон беш кишига етиб олдим. Ногоҳ қаттиқ бўрон кўтарилди. Алардин бири бу бўрон Расулulloҳ осмонга меърож қилаётганини аңлатишини айтди. Мен яқинлашиб келдим ва бахтимга Расулulloҳга рўбару келиб, тазъим қилдим. Беш кишининг бирида гурзи бор эди, Муҳаммад алайҳиссаломнинг амири ила у кишининг қўлидин қуролини олдим. Тушимда Расулulloҳнинг кўриб анинг иноятига муяссар бўлгонимдин хурсанд бўлиб уйғондим. Шул кун тонгдаёқ султон Боязид бирлан жангни бошлаб қўлимга оқ байроқни олиб, анинг бутун лашкарини саросимага солиб тарқатиб юбордим.

Сароймулкхоним эрига нигоҳини

тикканча, унинг гапларини бутун вужуди ила тингларкан, кўз ўнгиди у билан ўтган ўттиз беш йиллик турмушидаги воқеалар бирма-бир жонланарди. Аллоҳ танлаган, Расулulloҳ назари тушган Темур билан уни боғлаган сирли ришталар нақадар пишик эркан?

Ҳа, у сеvimли бегидан фарзанд кўрмади. Ох, нақадар оғир, тубсиз, на чеки, на охири бор армон унда! У ўзидаги бор оналик меҳрини, юрагида тўпланиб қолган улкан аёллик муҳаббатини ўзи севган ва ардоқлаган эрининг фарзанду набираларига бахшида этди. Хеш-акраболарининг фарзанду набираларига!

Нечун хомуш тортиди гўзал кўзларинг, эй Қазохон қизи! Ахир бу ҳам Аллоҳ иродаси эмасми? Тақдир азал, қисмат дафтари, соҳибқирон ечолмай ётган жумбоқ қалити ана шунда ётандир балки?

— Нечун хомуш тортидиз, хоним? Темурнинг ташвишли хитоби хаёл гирдобига чўккан Сароймулкхонимни сергаклантирди. Қаёқдандир, олис-олислардан бир нидо эшитилгандай туюлди назарида:

— Сен соҳибқироннинг сўнги даққада ёлдайдигон, кўрадигон, қўлида жон таслим этадигон малагисен!

Темур хотинининг чехрасида бир зум самовий нурни кўргандек бўлди. Сароймулкхоним ичидан босиб келаётган фарёдини, кўзларига қуюлиб, ташқарига отилишига тайёр кўз ёшларини яшириш учун ўзини Темурнинг кучоғига олди. Нақадар даҳшат!? Ҳамак, Темурбекнинг паймонаси тўлганга ўхшайди. Эвоҳ, энди уйсиз, салтанат юдузи, пушти-паноҳи ва суюкли ёри Темурбексиз у қандоқ яшайди бу дунёда?

Сароймулкхоним Амир Темурнинг кўкрагидан бош кўтарганда, кўз ёшлари қуриган, гўзал чехраси осойишта эди. Аммо зийрак соҳибқирон бу осойишта чехрада яширинган мунгли қалбан ҳис этди. Қарийб қирқ йиллик турмуши давомида у хотинини жуда яхши ўрганган эди. Чехрасидаги ҳар бир жилва, нигоҳидаги ҳар бир ифода унга гоят таниш, гарчанд у хоҳ ботиний, хоҳ зоҳирий бўлсин! Чунки унинг дили бунинг дилидан сув ичган. Дилидаги ҳар бир тўлқин қалбидаги дарду қувонч - бари-бир кўзгудагидек равшан.

— Мушкулотларим ила дилингизни хуфтон қилгонга ўхшайдурмен, хоним.

— Сира ҳам, улуг амир, — деди Сароймулкхоним олатдаги табассум-ила, — етти икким ҳукмдорининг ҳар сўзи мисоли гавҳар. Пурҳикмат ҳикояларингиз ҳаёлимни андак қочирмиш, чоғим. Естиқдошимнинг мушкулоти менинг ҳам мушкулотим эрмасми, ҳазрат?

Шундай дея Бибихоним қизариб кетган яноқларини яшириш учун нигоҳини ерга қаратди. Темур узун ва бакув-

ват қўллари билан унинг елкасидан ўзига тортиди. Бибихоним унга сира ёлгон гапирмаган. Мана, аёлнинг вужуди титрайпти. Ҳу, ўша узок 1370 йилнинг унутилмас оқшомиди, уни никоҳга олган кеча-сидек. Вафодори, садоқатда тенги йўқ ёстиқдоши ҳеч қачон унинг юзига тик боқмаган. Соҳибқироннинг тақдирини ҳусусида ортиқча ташвишига не ҳожа? Токи ёнида ана шу бош хотини - Бибихоним, қалби саройи, кўнгли мулки, дил тўри хоними бор экан, у билан бирга шу ҳаводан нафас олар экан, давлат қўши салтанат тахтидан зинҳор учиб кетмагай! Салтанатнинг барча фуқаролари тилида ҳусну таровати ила достон. Амиру беқлар, вазир саркардалар ўртасида ақлу заковати ила донг таратган Сароймулкхоним бор экан, етти иккимга нур сочиб турган давлат қўбди сира сўнмагай!

Уша сирли овоз, гоийбдан келган ҳабардан қалби тилка-пора аёл худди ҳозир эрдан ажралиб қолаётгандек вужуди қалқиб кетди. Бу тоғу тахт, бу давлат, шон-шухрати мангу бу салтанат — ҳамма-ҳаммасини у ҳозир жонидан азиз Темурбекнинг умрини сақлаш учун қурбон қилишга тайёр эди.

— Сизга не бўлди, хоним? — дея шивирлади соҳибқирон.

— Ешлик ёғга тушди, бегим...

Аммо Темурбек бу майин товушда аллақандай зўрақликни қалбан туйди.

— Ниманикир мендан яширяпсиз чоғим, хоним...

Темурнинг сўзларида илтижо оханги бор эди. Йўқ, йўқ. Сароймулкхоним бу сирни унга зинҳор айтолмади. Буюк муҳаббати, ҳурмати ҳақи эвазига ҳам. Аёл бутун маҳорати ва фавқулода ирода кучи ила эрини чалғитишга уринди.

— Қачон сиздин биронта сир яширмонмен, улуг амирим? — деди эрканланган оҳангда, — Сиз билмагон сир борми ўзи бу оламда, соҳибқирон?

Темурнинг хотинига қадалган нигоҳидаги синчковликни майин табассум эгаллади. Сароймулкхоним одатда одамларга тахлика, гоҳида даҳшат, гоҳида эса меҳр-мурувват солгувчи эрининг юзига очик чехра ила боқди.

Соҳибқироннинг бирдан кўзлари қақнаб, қалби товланиб кетди. Унга ўша, башоратгўй сўзлар яна эшитилгандай бўлди. Унга ўша сирли, "бахт тўла нигоҳ" боқиб турар эди. Фақат улим олдидагина унга қуринадиган, борлиги ила намоен бўладиган сиймо қараб туради.

Яна бир фикр уйғонди унда. Ахир у — Темурбек Қурагон шу аёл туфайли тоғу тахтага эришган ҳукмдор эмасми? Мана сенга тақдир жумбоғи!

Эр-хотин чехрасида қандайдир самовий бир нур жилваланди.

1404 йилнинг сентябрь тонгги отмоқда эди.

ҲАМДАМ СОДИҚОВ

КҮНГИЛ МУЛКИ

"Хар бир инсон дунёга келаркан, албатта севиш-севилишни, бахтли турмуш кечирини орзу қилади ва шу йўлда интилади", - деб ёзади Хилолаҳон. Мен ҳам туманимиз маданият уйи қошидаги тикувчилик курсида таҳсил олиб, ширин орзулар дарёсида сузиб юрдим. Уйимизга кетма-кет совчилар кела бошлади. Бир куни ўқшдан уйга қайтаётсам, эшик тагида бир аёлга рўпара келиб қолдим. У мендан "Сиз шу ерда ўқийсизми?" деб сўради. Мен тасдиқ маъносидан бошимни қимирлатиб, оҳиста ўтиб кетдим. Аёл мендан кейин чиққан дугонандан мени кўрсатиб, исми-шарифимни билиб олиб, сўнг ўқитувчимизга кириб мен ҳақимдаги керакли "маълумот"ларни олиб жўнаб кетди. Кейин уйимизга яқин қариндошлари билан ўғлига сўраб келишди. Уларнинг айтишларича, катта ўғлига институтда ўқийдиган қизни олиб бериб, келин то ўқишни тамом қилиб олгунча жуда қийналган эканлар. Неварани боқиш, уй ишларига югуриш, барчасидан анча чарчаб қолганларини рўқач қилиб, кенжаларига хунари бор, уйда ўтириб рўзгорни тебратадиганини қидираётганлари ва менга ишлари тушиб қолганини айтди. Хуллас, Зухриддин акам билан учрашувга икки марта чиқди-у, тўйимиз бошланиб кетди. Онамлар қуда томонга, "бултур катта қизимни узатгандим, бунинг ҳали кам-кўстини, тўлдиришга улгурмаганман кемтиклар бор" деган эканлар. Улар: "Хар боланинг ўз ризқ-насибаси бўлади, ташвиш чекаверманг, кам-кўстини қариндош-уруғлар билан тўлдираверасиз. Қолаверса, биз ҳам қараб турмаймиз," дейишибди.

Тўйдан кейин бу хонадонни ҳақиқий уйим деб билиб, у ерга астойдил меҳр қўйдим. Барча юмушларни олиб-югуриб бажардим. Қайин-бўйним, қайнона-қайнотамнинг ҳурматларини жой-жойига қўярдим. Бу орада ўқишим ҳам битди. Маҳаллада чевар деб номим чиққан, уйимизга кетма-кет мижозлар кела бошлади. Тикишдан тушган пулларни қайнонамларга олиб чиқиб берардим. Бундан улар ниҳоятда мамнун эди. Бир йилдан сўнг ўғлим Хусниддинжон туғилди. Зухриддин акамнинг қувончлари чексиз эди. "Уч-тўрт ёш бўлсин, элга ош бериб, тўйини қиламан", деб ният қилди. Кат-

та ҳовлида қайнона, қайнота, қайноғам, овсиним, уларнинг уч ўғли ва бўйи етган қайнсинглим бирга яшардик. Ўғлим уч ёшга тўлганида қайнсинглимнинг бахти очилиб, яхши бир хонадонга унашиб қўйдик. Қайноғамлар хўжайинимга "синглимиз тўйи баҳонасида ўғилларимизга ош ҳам бериб, тўйини ўтказайлик", деб маслаҳат қилибдилар. Бу пайтда мен иккинчи фарзандимга ҳомиладор эдим. Овсинимнинг отаси катта ташкилотда бош ҳисобчи, онаси ҳуқуқшунос бўлиб ишларди. Хар қалай ўзига тўқ яшарди. Бир куни овсиним тўйга отаси той ясади келишини айтиб қолди. Менинг ота-онам оддий ишчи, яна узатилмаган синглим ва укам бор. Бир куни арзимаган нарсани баҳона қилиб уйга бордим ва онам-

наси, юмшоқ мебеллар, одам бўйи барабар қилиб бўҳчаланган сарполарга ҳамма ўтирганлар гоҳ ҳавас, гоҳ ҳасад билан тикилишгаётган эди. Онам олиб келган гилам, холам олиб келган қандил ва велосипедча уларнинг моллари олдида кўримсизгина бўлиб турди. Барча йиғилганлар, хотин-халаж икки куда томоннинг нарсаларини бир-бирига солиштириб, макташ билан банд эди.

Минг афсуски, ўғлимга атаб олиб келинган той қишлоғимизда яшайдиган Содирхон бобоники бўлиб, уни отамлар мени кўнглимни ўқитмаслик учун икки кун муҳлатга сўраб турган экан. Барча машааша отамлар келиб барча вазиятни қайнотамга тушунтириб, тойни олиб кетганларидан кейин бошланди. Бунинг устига-устига

сарпода Зухриддин акамга атаб қилинган туфли оёқларига катта келди, костюм-шимнинг ранги ёқмади. Қайнонам бўлса "Ўғлимга онангиз битта лойиқ, ўзига мос нарса қилмабдилар, куёв бўлиб ўғлим нима кўрди сизлардан", деб гапиришдан чарчамади. "Кўрманга той олиб келиш шартмиди, бунақа хўжакўрсинга той қилгандан қилмаган яхши, ана, Сурайёхоннинг оталари, - дедилар овсинимни кўрсатиб, - орзу-ҳавас йўлида ҳеч нарсани аямадилар, қилсалар мен учун эмас, қизлари учун қилдилар. Агар киши астойдил ният қилса, худо ўзи бераверади", деб қўшиб қўйдилар. Эрим ишдан келса, хар куни гиди-биди, майда гапларни кўпайтиравердилар. Ой куним яқин эди, камқонлик, тез-тез дармонсизланганим

ган бўлдилар. Бу уйда барча томондан менга тазийқ ўтказиш, хўрлаш, тақдирлашлар авж паллага чиқди. Бошимга оғриқ кириб, хўшимдан кетибман, касалхонадаман. Бир ҳафтадан сўнг қизим Диёра дунёга келди. Бироқ на эрим, на қайин-бўйним келиб, ҳолимдан хабар олишди. Касалхонадан ота-онам уйига кетдим. Холамлар қуда томонга бориб: "Зухриддинжон, кўз очиб кўргангиз, мана икки фарзандли бўлдингиз. Хилолани олиб келинг, оиласига қайтсин", деган эканлар, қайнонамлар: "Мен ҳам, ўғлим ҳам сиз томондан орзу-ҳавас кўрмадик, лоақал узатаётганда мебелни яхшироғидан қилмагансизлар, ўғлимнинг хотинидан кўнгли қолган, бола керак бўлса яна уйланиб кўраверади, барча нарсаларини йиғиштириб олиб кетаверинглар", дебдилар.

Қизчам икки ойлик бўлганда Зухриддин акам кириб келдилар. Олиб кетишга келибдилар-да, соғинибдилар-да, хойнаҳой пушаймон қилгандирлар, деб суюниб кетдим. Улар наридан-бери ҳол-аҳвол сўрашгач, "Судга ажралиш ҳақида ариза бердим, фалон куни суд, индамасдан фозиллик беравер, болаларга вақтида алимент тўлаб тураман", дедилар-да, жўнаб кетдилар.

Шу кезде барча ҳақоратларни эшитишга тайёр эдим, лекин ажралиш ҳақида, алимент ҳақида эмас. Фарзандларимнинг мурғак қалбига отасизлик тушунчасини сингдириш мен учун азоб, битмас-туганмас қийноқ эди. Бу машаашага ўзимни айбдор деб биламан. Балки ушанда онам той олиб бермай, қурблари етгунча йиққан, атаганларини олиб келганларида, бундай нохуш воқеаларнинг бошланиб, илдириб кетишига барҳам берилармиди? Нима бўлганда ҳам мен ўз бахтимни бой бериб қўйдим.

Эрим яқинда бошқа қизга уйланибди. Лекин мен фарзандларимга ҳеч қачон отанг ўлган, отанг йўқ, деб айтишни истамайман. Уларга "отанг албатта бир куни кириб келади" дейман ва умид билан яшайвераман!


Хилолаҳоннинг тақдири ҳеч кимни бефарқ қолдирмас керак, Бироқ жамки бойлик, мол-мулк, беҳисоб давлат аёлнинг қалб жахроҳати ва кўз ёшларига арзимаслигини ҳам эсдан чиқармаслигимиз керак.

Азиза СОЛИҲ

ОРЗУ ҲАВАС ЧЕГАРАСИ

га "сизлар ҳам бир амалдаб той олиб боринглар, овсинимнинг уйдан той олиб келишаркан, кейин оймлар пичинг қилиб юрмасинлар", деб илтимос қилдим. "Тўйингда тоғанг олиб келган гилам бор, сепингдан олиб қолувдим, ушанинг ёнига сарпо-суруг қилиб олиб бераверман, той олишга ҳозир имкониятимиз йўқ", дедилар онам. Мен йиғлаб хафа бўлган бўлдим. "Майли, сен беравер, отанг билан маслаҳатлашиб кўрайчи", деб мени тинчлантирган бўлдилар онам.

Тўй-тантана авжида. Пешин вақтида икки куда томондан гижинглатиб той олиб киришди. Овсиним томондан тойга қўшиб олиб келинган катта музлаттич, кир ювиш маши-



боис, қўйлак тикишни ҳам вақтинча тўхтатиб, мижозларимни қайтариб юбордим. Кунора, қўлларига даста-даста пул тутишимга ўрганиб қолган қайнонамлар, худди бир нарсани йўқотиб қўйган одамдек каловланиб, талмовсираб қолдилар. Узатилган қайнсинглим келиб ўртамизда хар хил гапларни чувалатиб, қайнонам иккимиз орамизга совуқчилик тушириб кетарди. Эрим аламга чидаёлмай ичиб келадиган, ҳатто калтаклайдиган одат чиқарди. Икки гапнинг бирида "сенга уйланиб нима кўрдим, нима кийдим, ўртоқларимнинг қайноталари куёвининг соясига кўрпача тўшайди, тагига машина, участкалар олиб бериб қўйибди" деб тўтиқушга ўхшаб такрорлайверади-

Бундай ҳодисалар учраб туради: шундай қилиб сиз сеvimли кишингиз билан ажралдингиз. Муносабатлар узил-кесил ва бўлунлай узилган. Юрагингиз чил-чил бутан, дунё кўзингизга қоронгу, ҳамма нарса маъносиз ва кераксиз бўлиб қолди. Бироқ нима бўлса-да, яшаш керак. Лекин қандай қилиб? Бу саволга хар томонлама тўғри ва тугал жавоб қайтариб бўлмайди. Лекин тушунинг, сизнинг кўнгли жароҳатингизга "умумий воситалар" эмас, балки яхши маслаҳат, ўз вақтида айтилган илиқ сўз, ҳамдардлик ва ҳимоя керак. Шунинг учун қуйида айтилганларга амал қилинг.

Маълумки, барча дил жароҳатларини вақт даволайди. Ажрашгандан кейин ойлари, ҳатто йиллари ўтса-да, чуқур чуққан дил ярасини унутиш қийин бўлади. Аввало, мана шунга тайёр туринг. Баъзан кўнглидан "наҳотки буларнинг барчасини унутиб бўлмасан", деган фикр кечади. Бу муболагадан эмас. Вақт ва янги таассуротлар аста-секинлик билан сизни оғир кечинмалардан халос қилади. Бу нарса қанчалик тез юз берса, сиз кўнгли ярасига шунчалик камроқ туз сепган бўласиз.

Сир эмаски, сиз яқин кишингиз билан хайрлашаётганда "Агар мен ҳамма нарсани тўғри қилганимда бундай ҳол юз бермас эди" деб уйлaysиз. Хатони ўзингиздан иллайсиз. Ўзингизни бундай хаёллар билан қийнаманг. Ҳамма айбни ўзингизга тўнкаманг. Агар сизни хотиралар то-

лиқтириб қўйса, ўтмишга айланган воқеа-ҳодисаларга очикроқ кўз билан қарашга ҳаракат қилинг. Хар ҳолда ушанда айтишиб қолишлар ҳам, турли кўнглисизликлар ва бир-бирингизни тушунмасликлар ҳам бўлган эди. Тўғри эмасми? Умуман юз берган аҳволга "бўлгани бўлди, энди уни тузатиб бўлмайди" маънода муносабатда бўлишга ҳаракат қилинг. Тушунинг: хар қанча оғир бўлмасин, сиз жуда қимматли сабоққа, тажрибага эга бўлдингизки, бу нарса бирда бўлмасан, бирда сизга яраб қолади.

дан сўхбатлашиш кўнгли губорингни кўтариши мумкин. Лекин ҳеч қачон "Менинг қалбим мангуга парчаланган", "Мен нима қилишимни билмай қолдим", "Мен бундан кейин ҳеч қачон эркак зотиға ишонмайман", "Мен ҳеч қачон бахтли бўлмасам керак" деяверманг. Қўшиқда айтилганидек: "Кетди, кетди, беқарорим кетди, интизорим кетди" деб дард чекаверишдан ҳеч қандай фойда йўқ. Ҳа, ҳасрат қилавериш кишининг тақдирига жуда ёмон таъсир кўрса-

ўзингизга ўзингиз совға сотиб олинг. Агар дўстингиз ёки яқин кишинингиз сизга ёрдамлашмоқчи бўлса ҳамдардлик билдирмоқчи бўлса, бундан асло бош тортманг. Хуллас, ўз қобилингизга ўралиб қолманг.

Тўғри, қалбингизни жароҳатлаган, ранжитган, сизда нафрат уйғотган кишини бир пайтлар яқин таянчингиз ҳисоблардингиз. Лекин шундай бўлишига қарамасдан уни кечирингиз, жуда бўлмасан, унга қўл силташга ҳаракат қилинг. Бу нарса сиз учун иложсиз, қадр-қимматни ерга уриш бўлса ҳам майли. Лекин шундай қилса бўлади. Албатта бундай муруватли, олий ҳимматли бўлиш кишидан жуда-жуда катта куч талаб қилади. Шунинг ҳам унутмаслик керакки, ранж дарди кишини касалликка йўлиқтириши (ошқозон яраси, юрак етишмовчилиги, саратон) мумкин. Иккинчидан, уни кечирингиз туфайли енгил тортасиз, ўзингизни янада эркин ҳис эта бошлайсиз.

Пировардда яна бир маслаҳат. Хотиралар тўғри кўтарганда юрагингиз уриши қандай тезлашини сезганмисиз? Нафас олишингиз тезлашиб кетади ва энтиқиб қоласиз. Шундай пайтларда яқин ўртоғим иложи борича чуқур нафас олишга ҳаракат қилинг. Бир неча ўн марта чуқур нафас олиб, нафас чиқаринг. Ишонинг: бу ўзингизни босиб олишингизнинг сеҳрли усули бўлиб, ҳаяжон тез тарқайди, юрак уриши асл ҳолига келади.

М. МУСАЕВА, руҳшунос

ЯРАНГИЗГА ТУЗ СЕПМАНГ

Азиз кишингиз билан ажрашгандан кейинги биринчи ёрдам.

Энг муҳими оғир руҳий кечинмалар даврида ҳеч қачон жиддий қарорга кела кўрмай-гки, бу нарса келгусидаги тақдирингизга ёмон таъсир қилиши мумкин. Ўзингизни эркин қўйинг. Кинога, театрга, кўргазмаларга боринг, истироҳат боғларида сайр қилинг, яхши кишилар билан сўхбатлашинг. Ҳамиша ишонч билан яшанг. Эртага янги кун келишига, у ҳаётингизда бурилиш ясашига умид боғланг.

Ҳадеб хар кимга шикоят қилаверманг. Тўғри, яқин кишингиз кўксига бош қўйиб йиғлашингиз ёмон эмас, у билан дил-дил-

тиши мумкин. Ҳаётингиздан нолиш орқали сиз ўз келажагингиз эшигини ёпиб қўйганингни сезмай қоласиз. Ундан кўра истиқболга ишонч билан қараган яхши эмасми.

Ўз-ўзингиздан сўранг: "Агар яқин ўртоғим менинг аҳволимга туҳса, нима қилган бўлардим?" Албатта сиз уни бутун чоралар билан юпатган, уни "гам дарёсида чўмилишига" йўл қўймаган бўлардингиз. Ўзингизга ҳам худди шундай қилинг, ўзингизни юпатинг, руҳлантинг ва қўллаб-қувватланг. Меҳмон қақиринг, меҳмонга боринг,

БРЮССЕЛЬ. АҚШ президенти Билл Клинтон НАТО раҳбарлари билан учрашиш мақсадида Бельгияга келди. У Шимолий альянс бош қароргоҳида Бош котиб Хавьер Солана, ҳарбий кўмита раҳбари Клаус Науман ҳамда альянснинг Европадаги бирлашган қуроли кучлари бошлиғи Уэсли Кларк билан учрашди. Музокараларда Косово можаросини ҳал қилиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинади.

ДЕХЛИ. Бир неча кундирки Ҳиндистонда юқори ҳароратли ҳаво сақланиб турибди. Маълумотларга қараганда, жазирамадан шу кунгача 150 киши нобуд бўлган. Об-ҳавони ўрганиш маркази вакилининг айтишича, Ҳиндистоннинг фарбий худудларида иссиқлик ҳарорати 50 даражача кўтарилган ва натижада кўплаб санот корхоналари ўз фаолиятини тўхтатган. Шимолий худудларда ҳам аҳвол яхши эмас. Мутахассислар айни пайтда мамлакатда ҳаво ҳарорати одатдагидан беш даража юқорилигини ва у яна бир неча кун сақланиб туришини таъкидлаётир. Ҳиндистонда бундай ҳодиса сўнгги бор 1941 йилда юз берган эди.

ПЕК И Н. Хитой раҳбари Цзян Цзэминнинг таклифига биноан Жанубий Африка Республикаси президенти Нелсон Мандела Хитойга келди. У уч кунлик ташрифи давомида Хитой раҳбарлари билан учрашиб, икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни янада кенгайтириш борасида музокаралар ўтказди.

Жанубий Африка Республикаси Хитойнинг Африка қитъасидаги энг яқин ҳамкорларидан биридир. Утган йили икки давлат ўртасида савдо алоқалари уч миллиард АҚШ долларига тенг бўлган. Хитойлик ишбилармонлар сўнгги йилларда ушбу мамлакат иқтисодиётига юз миллион долларга тенг миқдорда

сармоя киритган. Шунингдек, айни пайтда Хитойда ЖАРнинг бир неча банк ва компаниялари фаолият кўрсатмоқда.

БРЮССЕЛЬ. Европа Комиссиясининг янги раҳбари Романо Проди Косово можаросини бартараф қилиш бўйича халқаро анжуман ўтказиш ташаббуси билан чиқди.

Унинг айтишича, Косово можароси тезда ҳал қилинмас экан, у Европа иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатаверади. Бўлажак халқаро анжуман можарони ҳал қилиш ҳамда Болқон минтақасида тинч ва барқарор ҳаёт қарор топишида муҳим аҳамият касб этади, деди у.

БОНН. Германия ҳукумати минг нафар ҳарбийни Албания ва Македонияга жўнатишга қарор қилди. Бундестаг вакилининг айтишича, улар ҳарбий ҳаракатларда иштирок этмайди ва фақат ушбу мамлакатларда истиқомат қилаётган косоволик қочқинларга инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш билан шуғулланади.

Айни пайтда Германиянинг беш мингдан зиёд ҳарбийлари Босния ва Герцеговина, Албания ҳамда бошқа мамлакатларда хизмат қилаётир. Бундестагнинг ҳориздаги ўз ҳарбийлари учун йиллик сарф-харажати бир миллиард маркани ташкил қилади.

СТОКГОЛЬМ. Польша келаси тўрт йил ичида Европа Иттифоқига аъзо бўлишга ҳаракат қилмоқда. Мамлакат президенти Александр Квасневски шундай баёнот берди. Унинг таъкидлашича, ЕИ янги мамлакатларни қабул қилиш муддатини ҳозирча белгиланмаган. Бироқ, Польша 2002 йилда ёки 2003 йил бошида ЕИга аъзо бўлишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

ПЕК И Н. ХХР ташқи савдо ва ташқи иқтисодий

ҳамкорлик вазири Ши Гуаншэн таклифига биноан, Европа Иттифоқи Комиссияси раисининг ўринбосари Леон Бриттэн икки кунлик ташриф билан Пекинда бўлди.

Ташриф чоғида Л.Бриттэн билан ХХР давлат кенгаши раиси Чжу Жунци ва Ши Гуаншэн ўртасида музокаралар бўлиб ўтди. Музокараларда томонлар ўзаро савдо-сотиқ алоқалари ва ХХРнинг Жаҳон Савдо Ташкилотига аъзо бўлиш масалалари юзасидан фикр алмашди.

лар соғлигини яхшилашга, кейингиси юқумли касалликларга қарши курашга қаратилган.

БОНН. АҚШ президенти Билл Клинтон ташриф билан Германияда бўлди. Ташриф асносида Б.Клинтон билан Германия канцлери Герхард Шрёдер ўртасида учрашув бўлиб ўтди. Унда икки мамлакат ўртасидаги алоқалар хусусида фикр алмашилди. Шунингдек, Б.Клинтон АҚШнинг бу мамлакатдаги ҳарбий базаларида ҳам бўлди.

АЛМАТИ. Йилнинг биринчи чорағида Қозоғистоннинг тўлов балансидаги камомад 242 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бу ҳақда мамлакат молия вазири У.Жандосов журналистларга маълум қилди. 1998 йилда Қозоғистоннинг тўлов балансидаги салбий салдо 2 миллиард АҚШ долларини ташкил этган.

МАДРИД. Бу ерда “Ўрта Ер денгизи: минтақада ҳамкорлик ва хавфсизлик муаммолари” деб номланган халқаро семинар бошланди. Унда 16 мамлакат ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этмоқда. Халқаро семинар иштирокчилари Ўрта Ер денгизи ҳавзасидаги давлатлар ўртасида сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳамкорлик ҳамда минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга қаратилган кўшма тадбирларни ишга қўйиш маълумоти муҳокама қилади.

ПРЕТОРИЯ. Африка бирлиги ташкилоти Бош котиби Салим Аҳмад Салим Жанубий Африка Республикаси қитъадаги можароларни бартараф қилиш борасида фаолият кўрсатишига ишонч билдирди. У ЖАР ташқи ишлар вазири ўринбосари Азиз Паҳад билан учрашиб, қитъадаги можаролар, жумладан, Комор оролларидаги нотинчлик ҳамда Конго Демократик Республикасидаги келишмовчиликларни тинч йўл билан бартараф этиш борасида ўзаро фикр алмашди.

Бош котибнинг айтишича, айни пайтда Демократик Кон-

го можароси бўйича олиб борилаётган ишлар талаб даражасида эмас, лекин ушбу муаммо ҳар қандай вазиятда ҳам тинч йўл билан ҳал этилиши лозим.

НБЮ - ЙОРК. Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг амалдаги раҳбари Кнут Воллебэк Албаниядаги косоволик қочқинлар аҳволи ёмонлашиши мумкинлигидан ташвиш билдирди. Унинг фикрича, қочқинларнинг қишгача чодирларда яшаши анча қийин кечади.

ЕХХТ маълумотларига қараганда, айни пайтда Албанияда 400 минг, Македонияда эса 136 минг нафар қочқин чодирларда истиқомат қилмоқда. Косовонинг ўзида ҳам юз минглаб одамлар уй-жойсиз, бошпанасиз қолиб, саргардонликда кун кечирмоқда. Улар ўлкада тинчлик қарор топиши билан тезда уйига қайтиши лозим. Лекин Югославия президенти Слободан Милошевич халқаро ҳамжамият талабларини бажаришдан бош тортиб, можаронинг чўзилишига сабаб бўлаётир. Бу эса қочқинлар учун совуқ ҳавога мослаштирилган махсус чодирлар, керак бўлса, уйлар қуришни тақозо этади.

ПАРИЖ. Франция шаҳридаги Нанси шаҳрида “Веймар учбурчаги” саммити бошланди. Унда Германия канцлери Герхард Шрёдер, Польша президенти Александр Квасневски ва Франция президенти Жак Ширак иштирок этмоқда.

Анжуман иштирокчилари халқаро масалалар, жумладан, Косово можаросини бартараф қилиш ҳамда Польшанинг Европа Иттифоқига қабул қилиниши юзасидан ўзаро фикр алмашди.

Биринчи бор бундай учрашув 1991 йили Веймар шаҳрида ўтказилган эди ва шундан сўнг у “Веймар учбурчаги” деб ном олганди. Дастлабки учрашувлар ташқи сиёсат мақамаси раҳбарлари иштирокида ўтказилган бўлса, сўнгги учрашувларда давлат раҳбарлари ҳам иштирок этди.



ПАРИЖ. Европа Парламенти депутатлари Европа Комиссияси раиси лавозимига италиялик Романо Проди номзодини тасдиқлади. Страсбургда бўлиб ўтган сессияда Р.Проди номзодини 392 депутат ёқлади.

Италия ҳукуматининг собиқ раҳбари - 59 ёшли Р.Проди шу йил сентябрда Европа Комиссиясининг ҳозирги раиси Жак Сантердан янги вазифани расман қабул қилиб олади. Унгача Р.Проди ўзининг 19 кишилиқ котибияти таркибини расмийлаштиради.

ПЕК И Н. Жаҳон Банки Хитойнинг соғлиқни сақлаш дастурини молиялаштириш режасини қўллаб-қувватлаш мақсадида бу мамлакатга икки йўналишда кредит беришга қарор қилди. Улар 10 миллион ва 50 миллион АҚШ долларидан иборат.

ХХР соғлиқни сақлаш вазирлигидан маълум бўлишича, мазкур дастур иккита лойиҳани ўз ичига олади. Уларнинг биринчиси мамлакатнинг ночор туманларида аёллар ва бола-

Сочларини юлар дам-бадам,
“Фарзандимни қайтар худойим?!”.
Рухи чиқиб, тана ҳукмидан,
Бошқаролмай борарди ўзин:
“Болажоним болли юздан,
Ўполмадим...” — охирги сўзи.

Азаларга айланган болам,
Қайтмасликка шайланган болам,
Сарполаринг қонга беланди,
Дея, йиглаб борарди отам.

МЕНДАЙ СЕВИЛГАН БЎЛСА КЎНГИЛ

Хотира-ла онам ҳам нотинч,
Юрағида алам ва ўтинч:
Фарзанд доғи куйдириб, тун-кун,
Тақдирга тан беролмайди ҳеч.

Олиб кетдинг дилнинг имконин,
Мен саргардон сахро, чўлларда.
Хотиралар борар маконим,
Ҳам суянчим юрган йўлларда.

Мен бошимни урдим тўрт томон,
Сен шунда ҳам мени билмадинг.

Унутмоқни ўйладим ҳар он,
Кўз олдимдан сира жилмадинг.

Севги асли дардим ютган тил,
Кимларга у айлаган вафо.
Мендай бўлса севилган кўнгил,
Севган дилга бу ҳам бир жафо.

Қалбимнинг тафтида эрийди тошлар,
Мумкин бўлган юрак ҳам тинар.

Пойманга чўк тушди ва неки бошлар,
О, меннинг гурурим, бепарвоғимам.

Фақат бу телба дил сеники абад,
Асра жуфтингни юрак кўз ёши.
Қанчалар бепарво бўлмагин, аммо,
Барибир сен дилнинг олмос кўёши.

Илтимос, даргим тутмагин бир бор,
Ёқимтой жилмайиб ҳол сўрашингни,
Бир табассум учун бўлса ҳам минг бор,
Шайман бахш этишга кўз қарошимни.

Моҳиғул СУВОНОВА,
Қизилтепа

ДЎСТ

Дўстинг бўлса бир умрга,
Унга қилгин жонинг фидо.
Дўстинг бўлса фойда учун,
Бундай дўстан бўлгин жудо.

Яхши-ёмон кунларингнинг,
Энг бошида ўзи турса.
Сен оловга кирсанг агар,
Сендан олдин ўзи юрса.

Бу дўстликнинг қадрига ет,
Унинг учун жон фидо қил.
Асра уни, авайлагин,
Энг муқаддас бойлик деб бил.

СИҲОРДОМ

Нима бўлди синфдош,
Нега уришиб қолдик?
Биз эдик-ку чин сирдош,
Ёки... сирлардан толдик.

Арзиманган нарсдан,
Араз чиқар ҳар замон.
Сенсиз ўтган битта дарс,
Билсанг, араздан ёмон.

Араз — дилни музлатар,
Ўхшаб қишга-қировга.
Энди ҳеч урушмаймиз,
Талпиниб бир-бировга.

Ўғилой ҲАМДАМБОЕВА,
Тошкент шаҳар,
322-мактаб, 9-синф ўқувчиси

СОЧЛАРИМ-НИНГ ҶУРИМИ

Сочларимнинг ўрими
Қирқ кокилга бўлинди.
Бизни суймаган ёрнинг
Кўнгли кимга илинди?

Тақдирга тўлин ой,
Тўқнашибди битта қиз.
Ариқ бўйлаб ҳой-наҳой
Ажриқ отибди илдиз.

Қадримни қайчиллашиб,
Армонлар куртак ёзар.
Биз-ла ёр аччиқлашиб,
Ўзгага кўнгили ёяр.

Сочларимнинг ўрими
Қирқ кокилга бўлинди.
Бизни суймаган ёрнинг,
Кўнгли кимга илинди.

ХОЖИРА

1988 йил 19 август!... Уша кун сун-
нат тўйи нишонланаётган жасажси укам
Азаматжондан жудо бўлган эдик.

Бошсиз ўглин кўрганда онам,
Улоқтирди ҳарир рўмолин.

КИРОЛИЧЛААР ТАШВИШИ

Норвегия қироличасининг оиласи ҳашаматли ҳаёт кечиршни ёқтиради. Улар етти йилдан буён қасрларини қайта қуриш билан машғул. Кейинги пайтда саройга қимматбаҳо компьютерлаштирилган жавонлар, об-ҳавони ўзлари хоҳлагандай ҳолатда бўлишини таъминлайдиган қурилмалар ўрнатилдики, бу каби ортиқча ҳаракатлар фуқароларнинг гашига тегяпти.

Қиролича Соня қасрнинг безалари устида шахсан ўзи бош қотиришда. Қадимги, ноёб мебеллар сотиб олишни ўз зиммасига олди. У компьютерлаштирилган кийим жавони яраттириб, анчагина муҳим юмушлардан қўли бўшади. Илгари ҳар кун уни қайси кийимни кийиш ҳақидаги муаммо бошини қотирарди. (Кийимлари ҳам бир неча минг бўлса керакда.) Эндиликда компьютер тугмасини босса, қандай бичим ва рангдаги қайси либосини қачон устига илгани, бугунги об-ҳавода нимани кийиш маъқуллиги ҳақидаги тавсиялар экранда пайдо бўлади.

Буюк Британия қироличаси Елизаветта эса қадимий анъаналарга кўра оч қизил, кўк ёки оч сарик тусдаги кийимларни кийишни ёқтирарди. Фуқаролар уни узоқдан кўпчилик орасида ҳам қийналмай топиб олиши учун шундай қиларкан. Қиролича тикувчи чеварларини ҳадеб алмаштиришни, мода кетидан қувишни ёқтирмасди. Елизаветтанинг битта сири бор: шамолда этаги кўтарилиб, фуқаролари унинг оёқларини кўрмаслиги учун албатта юбкасининг этагига махсус кўрғошиндан ҳошия тиктирар экан.

Хориж матбуотидан

ЮЛДУЗЛАР СЎЗЛАЙДИ

САМОДАН
(10 майдан-
16 майгача)

ҲАМАЛ. Ижодкорлар учун омадли кун душанба. Тижоратчиларга эса сешанба. Чоршанбада қувонасиз. Пайшанба кунини моддий аҳволингиз яхшиланади. Жумадан хушxabар кутинг. Шанбада сирли учрашув. Якшанба кунини асабийлашмасдан, яхши дам олишга ҳаракат қилинг.

САВР. Ҳафта кўнгилдагидек бошланади. Сешанба ва пайшанба кунлари соғлигингиз учун қайғуринг. Чоршанбада яқинингиз билан учрашасиз. Жума кунини ҳамкорлар учрашуви. Шанба моддий жиҳатдан омадли. Якшанбада дўстлар дийдорига тўясиз.

ЖАВЗО. Душанбадан кўнгироқ кутинг. Сешанба битимлар тузишга қулай кун. Чоршанба ва пайшанба кунлари атрофдагилар билан яхши муомалада бўлинг. Жума ижод учун қулай. Шанба кунини сизни рағбатлантиришади. Якшанбада яқин кишинингиз билан учрашасиз.

САРАТОН. Ҳафта сиз учун яхши хушxabар билан бошланади. Сешанба ва чоршанба кунлари моддий аҳволингиз яхшиланади. Пайшанбадан кўнгироқ кутинг. Жума зиддиятли кун. Шанбада соғлигингиз учун қайғуринг. Якшанба кунини ҳамкорлар учрашуви.

АСАД. Душанбада сизни сўроқлашади. Сешанба ва жума кунлари ўзингизни эҳтиёт қилинг. Чоршанбадаги хариддан кўнглингиз тўлади. Пайшанба хайрли кун. Шанба ва якшанба кунлари онла даврасида дам олиш учун шароит яратилади.



Хоҳламайман...

СУНБУЛА. Ҳафта моддий жиҳатдан баракали бошланади. Сешанба ва шанба кунлари майда гапларга эътибор берманг. Чоршанба битимлар тузишга қулай фурсат туғдиради. Пайшанбада ишларингиз о'кей. Жума кунини ҳамёнингиз тўлади. Якшанбада сирли учрашув.

МЕЗОН. Душанба сиз кутган учрашувлар билан бошланади. Сешанбада бой бўласиз. Чоршанба ва жума кунлари соғлигингизга жиддий эътибор беринг. Пайшанба ҳамкорлар учрашуви. Шанба ижодкорлар кунини. Якшанбада яқин кишинингиз сизни сўроқлайди.

АҚРАБ. Дилдаги учрашувлар учун душанбани танлаганингиз маъқул. Сешанба баракали кун. Чоршанба ва пайшанбада ишларингиз бароридан келади. Жума ва шанба кунлари алданишингиз мумкин. Якшанба кунини фикрларни жамлаб ижодга киришинг.

ҚАВС. Ҳафта кўнгилдагидек бошланади. Чоршанбада ўзингизни эҳтиёт қилинг. Пайшанба кунини тақдирланасиз. Жума кунини тузган битимларингиз ўз самарасини беради, шанба кунини бой бўласиз. Якшанбада ҳамкорлар билан учрашув.

ЖАДИ. Душанба, чоршанба кунлари кўнгилдагидек ўтмасда, ранжиманг, сешанбадаги дўстлар дийдорлашуви кайфиятингизни кўтаради. Пайшанба кунини ишлар о'кей. Жума ва якшанбани яқинларингиз даврасида ўтказасиз. Шанба кунини яхши дам олинг.

ДАЛВ. Ҳафта бошида ўзингизни биров чарчагандек сезасиз. Сешанбада соғлиқ учун қайғуринг. Чоршанба ҳамкорлар учрашуви. Пайшанбада асабийлашманг. Жума ижод учун қулай. Шанбада ҳамёнингиз тўлади. Якшанба кунини кўнгилли харид қиласиз.

ХУТ. Душанба ва пайшанба кунлари тузган битимларингиз ҳар тарафлама сизни қувонтиради. Сешанбада ҳамёнингиз тўлади. Чоршанба кунини оилангиз даврасида дам оласиз. Жумадан кўнгироқ кутинг. Шанбада сирли учрашув. Якшанба кунини моддий аҳволингиз янаям яхшиланади.

ЭНГ, ЭНГ, ЭНГ...

* Япониянинг Тоги шаҳри яқинидаги соҳилда қурилган ўриндиққа минг киши сиғади. Шаҳар муниципалитети сайёҳларни жалб этиш учун денгиз яхши кўринадиган жойда узунлиги 460 метрли ўриндиқ қурди.

* **Энг узун расм** ҳам японларга тегишли. Кимико Хибино исмли рассом яратган асарнинг эни 2,2 метр бўлса-да, узунлиги 3 километр. "Табиат кўшиги" деб номланган мазкур асарда уч мингдан зиёд, 800 турдаги балиқлар, қушлар ва бошқа ҳайвонот дунёси акс этган. Рассом асарини яратиш учун бир йил вақт сарфлабди.

* **Энг узоқ давом этадиган опера** муаллифи бастакор Россини бўлиб, у етти соат давомида ижро этилади. Ундан кейин узоқ айтиладиган Рихард Вагнернинг "Парсифаль" асаридир. У 4 соату 40 дақиқа ижро қилинади.

* **Энг узун телесериал** — "60 минут" деб номланган фильм 1968 йилдан шу кунгача намойиш этилмоқда. "Револьвердан чиққан тутун" фильми 1955 йилдан 1975 йилгача, "Қизил танли скелетининг шарпаси" асари 1951 йилдан 1971 йилгача Америка телеэкранларида кўйилган.

* **Энг узун торт** Женевадаги Линьон коммунаси қандолатчилари ўз байрамларига атаб тайёрлаган "Наполеон"дир. Пирогнинг узунлиги 487,2 метрдир.

* **Дунёдаги энг узун сосиска** — 1 километр 138 метр 3 сантиметр экан. Уни немисларнинг Кальв шаҳрида яшовчи 3.Зийглер исмли қассоб тайёрлаган. Бу маҳсулотни у ўзи яшаётган шаҳарнинг 900 йиллик тўйига атаган.

* **Энг узун чанги** гарбий Германиянинг Зиллеген шаҳрида кашф этилган бўлиб, 30 метр узунликда бўлган. Унда бирданига ўндан зиёд чангичи учиши мумкин.

Туркистон



Иккинчи ярим йиллик
учун обуна бошланди!
Шошинг!

ТОШКЕНТ АЛОҚА КОЛЛЕЖИДА ЎҚИШНИ ХОҲЛОВЧИ АБИТУРИЕНТЛАР ДИҚҚАТИГА!

1999/2000 ЎҚУВ ЙИЛИГА ҚАБУЛ
ЭЪЛОН ҚИЛИНИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН,
ШУ ЙИЛНИНГ 15 МАЙ КУНИ СОАТ 14⁰⁰дан
18⁰⁰ гача КОЛЛЕЖДА "ОЧИҚ ЭШИКЛАР"
КУНИ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ.

ШУ КУНИ СИЗ КОЛЛЕЖ ҲАҚИДАГИ
БАРЧА АХБОРОТПАРДАН ВОҚИФ
БЎЛИБ, БУ ЕРДАГИ ЎҚИШ, ЯШАШ ВА
ДАМ ОЛИШ ШАРОИТЛАРИ
БИЛАН ТАНИШАСИЗ

"ОЧИҚ ЭШИКЛАР"
ГА МАРҲАМАТ!

МАНЗИЛИМИЗ:
У.ЮСУПОВ КУЧАСИ,
70 уй

МАЪЛУМОТ УЧУН:
(41-19-80, 41-12-48)

Муассас:

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ
«КАМОЛ» ЖАМҒАРМАСИ

Бош муҳаррир
Абдуқодир НИЁЗОВ

Навбатчи муҳаррир
Зиёда АШУРОВА

ТАХРИРИЯТ:

Бош муҳаррир — 133-89-61

Қабулхона — 136-56-58

Хатлар будими — 133-79-69

МАНЗИЛИМИЗ:

700083 Тошкент Маъбуриятлар кўчаси, 32-уй

Тахририятга юборилган материаллар

қайтарилмайди.

Муаллифлар фикри тахририят нуқтан

назаридан фарқланishi мумкин.